

**Бош илмий-методик
марказ**

2021

Ўқув-услубий мажмуа

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЖАРАЁНИГА КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИНИ
ЖАЛБ ЭТИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

“Таълим сифати менежменти” йўналиши учун

**“ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА
КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **А.Холиқов** – Кимё фанлари доктори, профессор,
А.Джураев – Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD).

Такризчи: **Ф.Назарова** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	144
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	38
VI. ГЛОССАРИЙ.....	87
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш долзарб ижтимоий-иқтисодий масала бўлиб, олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш жараёнига ўқув-тарбия фаолиятини ташкил этишнинг янги ёндашувларини жорий этиш, кадрлар тайёрлашда узлуксиз равишда ҳар томонлама ҳамкорлик механизмини амалга оширилишида буюртмачиларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим соҳаси нафақат жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги энг муҳим таркибий қисм сифатида, балки мамлакатнинг келажаги боғлиқ бўладиган иқтисодиёт тармоғи сифатида ҳам диққат марказида туради. Мазкур модуль мана шундай ривожланишнинг энг муҳим йўналиши бўлиб, таълим хизматлари бозорига барча категориядаги иш берувчилар томонидан тобора ўсиб бораётган замонавий талабларга мос келувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ўртага чиқади. Олий таълим сифати билан даражасига талаблари билан жиҳс боғланган бўлиб, у бугунги кун талабларига мос келиши ва ўқитишда касбий фаолият маҳоратининг эришилган даражасини акс эттириши лозимлиги кайд этилади. Шунинг учун ҳам кадрлар буюртмачилари – касбий таълим муассасалари доимий равишда ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиб бориш ва таълим хизматларини уларга мос ҳолда бошқаришда фойдаланиладиган механизмларнинг долзарблаштирилишига диққатни қаратиб боришлари зарур бўлиб, бу билан олий таълим дастурларининг ривожлантирилишига ҳамда уларнинг талабларига мослаштириб борилишига имкон ҳосил қиладилар.

Модул доирасида берилаётган мавзулар олий таълим муассасаларида сифатни таъминлаш борасида раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, таълим сифатини таъминлаш масалалари, таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш бўйича зарурий янги билим, кўникма ва малакаларни ҳамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш, олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этиш, корхоналар ўртасида шерикчилик муносабатларини ўрнатиш, таълим

тизими ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, кадрлар буюртмачиларига олий малакали кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва истиқболли йўналишларни белгилашга доир янги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш асосида уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва корхоналар ўртасидаги шерикчилик муносабатларини таҳлил қилиш;
- таълим тизими ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш;
- кадрлар буюртмачиларига олий малакали кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка таъсир этувчи омилларни ўрганган ҳолда муаммоларни ҳал этиш ва амалиётда қўллаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- таълим сифатини оширишнинг асосий мақсад ва вазифаларини;
 - буюртмачиларга сифатли кадрларни тайёрлашда олий таълим тизимининг вазифаларини;
 - ўқув жараёнига ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш механизмини;
 - олий таълим тизимида кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликни таъминловчи асосий йўналишларни;
 - олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш механизмини;
 - буюртмачилар билан ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш хусусиятларини **билиши** керак.
- ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш.
- олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш.
- кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглари ташкил этиш;

- илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштиришда кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини ривожлантириш бўйича **кўникма ва малакаларни** эгаллаши зарур.

- рақобатбардош кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасаларини самарали инновацион стратегиялар йўналишларини ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш” модули мазмуни ўқув режадаги барча махсус фанлар ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда раҳбар кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этишнинг аҳамияти, механизми, асосий йўналишларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкلامаси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда кадрлар буюртмачиларини жалб этиш механизми	2	2	
2.	Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш	2	2	
3.	Кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмлари	4		4
4.	Илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштиришда кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини ривожлантириш	4		4
	Жами:	12	4	8

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ. (2 соат)

1.1. Таълим сифатини оширишнинг асосий мақсад ва вазифалари. Буюртмачиларга сифатли кадрларни тайёрлашда олий таълим тизимининг вазифалари.

1.2. Олий таълим муассасаларда рақобатбардош мутахассисларни етказишда буюртмачилар билан ҳамкорлик фаолиятини ошириш хусусиятлари.

1.3. Таълим сифатини оширишда ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳамкор мутахассисларни жалб этишнинг аҳамияти.

Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш механизми. Ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш. Ўқув жараёнига ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш механизми.

2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА КЛАСТЕР УСУЛИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ. (2 соат)

2.1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига иш берувчиларни жалб қилишнинг аҳамияти.

2.2. Олий таълим муассасаларида рақобатбардошликни таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини ошириш.

Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш. Ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлар ва иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш амалиёти. Олий таълим муассасалари ҳузурида технопарклар, бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлари фаолияти.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИ МУРОЖААТИ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАЗАСИДА МАҚСАДЛИ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ, ПРОФЕССИОНАЛ МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ, ТРЕНИНГЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.

(4 соат)

Кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмлари.

2-МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИШ, УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШДА КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, БИЗНЕС ИНКУБАТОРЛАР ВА ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

(4 соат)

Илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштиришда кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини ривожлантириш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 25 июлдаги «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 283-сон қарор қабул қилинди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1989-сон Қарори.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар — биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. –80-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сон фармони;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармони;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон фармони;

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий мала кали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаш тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сон қарори;

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сон қарори;

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сон қарори;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 246-сон қарори

Интернет сайтлар:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://uz.denemetr.com/download/docs-229149/768-229149.doc>
3. <http://www.nasa.gov/statistics/>
4. <http://www.security.uz>
5. <http://www.cert.uz>
6. <http://www.uzinfocom.uz>
7. <http://idum.uz/archives/9376>
8. <http://gtmarket.ru/ratings/e-government-survey/info>
9. <http://egovernment.uz/uz>
10. <http://www.tadviser.ru/index.php>


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Нима учун?” технологияси.

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**НИМА
УЧУН?**




муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнида қўллаш мумкин

“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги


1-босқич

Тингловчиларни “Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари билан таништириш




2-босқич

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. Нима учун? сўроғи билан стрелка чизилади ва саволга жавоб ёзилади. Қайта-қайта “нима учун” деган савол бериб борилади. Муаммони келтириб чиқарган илдиз яширинган сабаби топилгунча давом эттирилади.



3-босқич


Тингловчилар кичик гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.



4-босқич

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши



“Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

“БЕЕР” технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар

бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕЕР” технологияси умумий мавзунини айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзунини ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунини ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш;
- яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-нормукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга

тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларида фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар:

Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга муружат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ.

Режа:

1.1. Таълим сифатини оширишнинг асосий мақсад ва вазифалари. Буюртмачиларга сифатли кадрларни тайёрлашда олий таълим тизимининг вазифалари.

1.2. Олий таълим муассасаларда рақобатбардош мутахассисларни етказишда буюртмачилар билан ҳамкорлик фаолиятини ошириш хусусиятлари.

1.3. Таълим сифатини оширишда ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳамкор мутахассисларни жалб этишнинг аҳамияти.

Таянч иборалар: таълим сифати, кадрлар буюртмачилари, сифат менежменти, илмий-педагогик кадр, таълим хизматлари.

1.1. Таълим сифатини оширишнинг асосий мақсад ва вазифалари.

Буюртмачиларга сифатли кадрларни тайёрлашда олий таълим тизимининг вазифалари.

ОТМда таълим сифатини оширишнинг асосий механизми ўқитиш сифати ва таълим хизматлари сифатига боғлиқ. Кадрлар буюртмачилари рақобатбардош позицияни эгаллашда инновацион ёндашувни талаб этмоқдалар. Ушбу масалаларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг олий таълим тизими миллий инновацион тизимни шакллантириш, инновацион муҳитни яратиш, янгича фикрлаш, юқори маданиятни шакллантиришда етарли ҳиссасини қўшиши учун керакли салоҳиятга эга.

Бугунги кунда республикада олий таълим тизимини ривожлантиришнинг куйидаги усутвор йўналишлари бўйича вазифалар ечими белгиланган:

– олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий босқичида инновацион жараёнларни қўллаш ва амалга оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

– республикада олий таълим муассасаларини самарали бошқаришнинг жаҳон стандартларига асосан таълимда сифат менежменти усулларини самарали қўллаш;

– глобаллашув ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион технологияларни қўллаш асосида таълим тизими сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасаларини самарали инновацион стратегиялар йўналишларини ишлаб

чиқиш;

– республика олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантиришда самарали хорижий тажрибаларни ўрганишнинг ижобий натижаларини республикада қўллаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

– олий таълим тизимида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда эришилган тажрибаларни янада оммалаштириш асосида таълим сифатини ошириш бўйича тавсиялар ва ишланмалар ишлаб чиқиш;

– миллий таълим тизимини модернизациялаштириш шароитида республикада олий таълим муассасаларида замонавий таълим хизматлари турларини кенгайтириш;

– олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантириш асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни янада кучайтириш;

Маълумки, таълим жамият ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Қандай соҳада бўлмасин, юқори билимга эга мутахассислар илмий-тадқиқот ишланмалари билан шуғулланиш, янги маҳсулот турларини яратиш ва технологияларни ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ва компаниялар ўртасидаги мавжуд чуқур рақобат муҳити мутахассисларни ҳам фавқулодда шунга тайёр бўлишларини талаб этади. ОТМларга шундай бозор омиллари таъсир кўрсатадики, биринчидан, корхона ва ташкилотлар томонидан битирувчи мутахассисларга талаб шаклланса, иккинчи томондан, абитуриентларнинг олий ўқув юртига кириш учун шарт-шароитлари шаклланади. Шунга кўра, ўз навбатида, ўқув юрти касбий соҳада зарурий таёргарликка эга битирувчилар билан таъминлаш бўйича меҳнат бозорига ва кадрлар буюртмачиларига таъсир кўрсатади. Бунга боғлиқ ҳолда мутахассисларига талаб доимо ўсиб боради.

ОТМлар олдида қўйилган вазифаларга эришиш учун битирувчи мутахассисларни самарали булиши учун қуйидаги масалаларни ҳал этилишини талаб қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

- корхонанинг талаб қилинган малакали ва зарур ҳажмдаги ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш;

- ходим ва умуман корхона жамоаси салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш;

- серунум меҳнат, ҳамжиҳатлик даражасининг юқорилиги, мотивация, ўзини интизомга бўйсундириш, ходимда ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилиш кўникмаларини шакллантириш учун шароит яратиш;

- ходимлар меҳнатининг мазмунли ташкил этиш, меҳнат шароитлари, машғулот тури, касбий-малакавий ва хизмат бўйича кўтарилиш имкониятлари ва ҳ.к. борасидаги қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини амалга оширилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришнинг вазифалари ва ижтимоий вазифаларни мувофиқлаштириш (корхона манфаатлари ва ходим манфаатларини, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини мувозанатлаш).

Иш берувчиларни энг аввало, олий ўқув юрти битирувчилари кўрсата оладиган хизматлар ва бажара оладиган ишлар сифати қизиқтиради. Олий таълим муассасаси таълим тизимини назорат қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларига тўлиқ мос келиши ва юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлиши, лекин иш берувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари касбий тайёргарлик сифати стандартларига бўйича тасаввурларга мос келмаслиги мумкиндир.

Олий таълим муассасалари учун агар битирувчиларни ишга қабул қилган корхона-ташкилотларнинг мутасаддилари олий таълим муассасасига нафақат битирувчиларнинг тайёргарлиги, ташкилотчилик қобилиятларини баҳолаш бўйича тақризларни, балки истиқболли технологиялар ва янги техника соҳасида битирувчининг билимлари даражасига уларнинг талабларини ҳам жўнатадиган бўлсалар, анча енгил бўлган бўлур эди.

Бу бир томондан, битирувчиларнинг тайёргарлигини баҳолашнинг объективлигини оширган, бошқа томондан эса олий таълим муассасалари (факультетлар ва кафедралар)ни талабаларни ўқитиш сифатини ошириш мақсадларида ўқув жараёнини тузатишга (шу жумладан, моддий-техник асосни такомиллаштиришга ҳам) мажбур қилган бўлар эди.

Бундан ташқари, ўз даражасини ошириш учун олий таълим муассасаси тармоқни ривожлантириш истиқболларини ўрганиши ва башорат қилиши, таълим дастурларини даврий равишда агарда бу даврдаги таълим дастурларидаги ўзгаришлар ҳатто таълим хизматлари истеъмолчиларининг талаблари билан мос келмаса ҳам тузатиб бориши керак.

Шундай қилиб, факультетлар ва кафедралар ўқитилаётганлар контингенти, тайёргарлиги даражаси, истеъмолчиларнинг талаблари, уларнинг битирувчилар тайёргарлиги сифатини баҳолашлари ҳақидаги ахборотни олиш, шунингдек, тармоқда мутахассисликнинг ривожланиши истиқболларини тарозига солиб кўриш билан таълим дастурларини тузатишлари ва мос ҳолда таълим жараёнини ташкил этишлари лозим.

Мана шунга параллел равишда моддий-техник асос ҳам ривожлантириб борилиши ва олий таълим муассасасининг илмий-педагогик кадр

(ИПК)ларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш амалга ошириб борилиши керак. Шунингдек, малака ошириш (стажировка) жойи ва лавозимларини белгилаш мақсадларида иш берувчилар билан ҳамкорликда уларнинг малакасини ошириш режаларини тузиб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

1.2. Олий таълим муассасаларда рақобатбардош мутахассисларни етказишда буюртмачилар билан ҳамкорлик фаолиятини ошириш хусусиятлари.

ОТМнинг урни кадрлар буюртмачилари бозорида унинг рақобатбардош бўлишини, ўз рақобат урнини мустахкамланишига олиб келади. Асосий мақсади - замонавий талабларига жавоб бера олувчи олий маълумотли мутахассисларнинг тайёрлашдан иборат. Ўзи танлаган мутахассислиги бўйича мукамал билимларга касбий кўникмаларга эга бўлган, шу билан бирга илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий сифатларни ўзига сингдирган, Республика тараққиётига ўз хиссасини қўша оладиган кадрларга талаб бугунги кун иш берувчиларини эҳтиёжидир.

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши мустақил мамлакатимизда барча сохани тубдан ўзгартириб юбормоқда. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришидаги кўпгина касблар фақат маълумотли кишиларгина эмас, юксак ривожланган, ижодий қобилиятга эга мустақил фикрлай оладиган касб эгаларини жалб қилишни талаб қилмоқда.

Асосий вазифамиз - бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган касб эгаларини янги таркибини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун олий таълим муассасалари олдида мамлакатимиздаги амалга ошириладиган узлуксиз таълим тизимининг кўп қоидаларни ўзгартирилишини, илмий асосланган янги тизимнинг шаклланишини ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишда назарий билимларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни тақозо этади.

Ёшларга сифатли таълим бериш билан биргаликда бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлашда мураккаб вазифаларини ҳал этишда таълим берувчининг ғоявий эътиқоди, касб маҳоратига, санъати, истеъдоди ва маданиятига боғлиқдир.

Маълумки, таълим натижаси бўлган маҳсулот, яъни ёш кадрлар истеъмолчиси таълим хизматларидан фойдаланувчилар бозори ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслардир. Дунё ва мамлакатимиз таълим хизматлари бозори ҳолати таҳлилида нафақат таълим сифати балки, таълим хизматларини ташкил этиш, истеъмолчи талабларини инобатга олиш зурур.

Мамлакатимизда таълим сифати оширишда ва бозор талабларини таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш лозим :

-таълим хизматларини ташкил этишда бозор талабларидан келиб чиқиш;

- таълим хизматлари турларини истеъмолчи билан ўзаро боғлаш;

- таълим муассасалари ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорлик механизмини доимий олиб бориш;

- таълим муассасаларининг ўзаро кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорлик самарадорлиги таъминлашни ташкил этиш.

Таълим сифатига баҳо беришда унга таъсир этадиган омилларни таълим тизимида иштирок этувчи субъектлар бўйича мониторингини ташкил этиш зарур.

Замонавий таълим тизимида нафақат кадрлар тайёрлаш билан шуғулланиш, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш механизмларини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам зарур ҳисобланади. Дунё таълим хизматлари таркибида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича янгиликлар яратиш ва бошқа турли хизматлар кўрсатишдан олинаётган даромадларнинг улуши ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳам таълим сифатини оширишнинг механизмларидан бири бўлган фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминлашда кадрлар буюртмачилари тарафлари ҳамда унинг асосий субъектлари ҳисобланган профессор-ўқитувчи ва талабани рағбатлантириш механизмларидан фойдаланишга йўл қўйилса, бу соҳадаги ишлар ижобий натижа беради.

Олий таълим тизимининг кадрлар буюртмачилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини амалга оширувчи асосий бошқарув бўғини - олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари ҳисобланади. Мазкур ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида мутахассислик кафедралари қошида етук профессор-ўқитувчилар, тегишли ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, докторант, магистрант ва иқтидорли талабалар таркибидан иборат гуруҳлар шакллантириш лозим.

1.3. Таълим сифатини оширишда ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳамкор мутахассисларни жалб этиш аҳамияти.

Иш берувчи ва ОТМнинг интеграцияси.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.


Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва кизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди. Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда.

Шунга қарамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлиши керак. ОТМни битираётган кадрлар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаш хали етарли даражада муоммолар бор. Бунга сабаб ҳозирги кун битирувчилари кўп ҳолларда корхоналарнинг талабларига жавоб бермаяпти. Натижада битирувчилар бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлмоқдалар ва корхоналарда кадрлар муаммоси пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги замонда ОТМ битирувчиларини талаб даражасида тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш алоҳида эътибор талаб қилади. Мана шу параметрлардан келиб чиққан ҳолда давлат олий таълим муассасасини молиялаштиришни белгилайди. Ҳозирги кунда ОТМ ва иш берувчилар орасидаги ҳамкорликда баъзи муаммолар мавжуд. ОТМ ўз битирувчиларини билимдон деб ҳисобласаларда, улар иш берувчи талабларига аксарият ҳолатларда етарли даражада жавоб бермаяптилар. Кўпгина битирувчилар бошқа мутахассислик бўйича ишлашга ёки қайта тайёрлов курсларида ўқишларига тўғри келаяпти. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ОТМ ва потенциал иш берувчи ўртасидаги ҳамкорлик долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республикамизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Барча ОТМларда ишлаб чиқариш корхоналар билан ҳамкорлик қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бунда ОТМ ва ишлаб чиқарувчи корхоналар биргаликда иш олиб борсалар, кадрлар муаммоси ҳал бўлади. Бунинг учун куйидагича ёндаш лозим бўлади. Бунинг учун асосий объект ҳисобланган талабани чуқур билимли, етук мутахассис бўлиб тарбияланишида, мақсадли меҳнатга йўналтиришда иштирок этадиган субъектларни ва механизмни аниқлаб олиш зарур.

Талабанинг мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиши ва ишга жойлаштириш масаласига қуйидаги субъектларни жавобгар десак адолатдан бўлар эди. Булар: талабалар, ота-оналар, ОТМ (мутахассислик кафедралари), ишга жойлаштиришнинг умумотмлараро тизими ва иш берувчилар.

(1-расм).



Малакали кадр бўлиб етишишда талабага жуда катта маъсулият юкланади. Талаба ўқиш давомида ўз устида ишлаши, мустақил равишда муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилиши, берилган вазифаларни ўз вақтида бажариши, мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштириши, белгиланган раҳбар билан узлуксиз равишда иш олиб бориши лозим бўлади.

Бу жараёнда ота-онанинг роли ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Ота-она аввало фарзандини бирор бир мутахассислик бўйича ўқишга бераётганда унинг қизиқишларини, билимларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиши лозим. Бу ўта муҳим ҳисобланади, сабаби агар ўзи қизиққан касбга йўналтирилган талаба етук мутахассис бўлиб етишади. Шу билан бирга ота-она ўқиш давомида талабаларга керакли шароитларни яратиб бериш, яъни, ўз вақтида ўқишга боришини таъминлаш, дарс тайёрлашга шароитлар яратиш, ОТМ билан доимий алоқада бўлиб туриши керак.

Етук кадр, малакали мутахассис тайёрлашда ОТМ, яъни мутахассислик кафедралар асосий бўғин ҳисобланади. ОТМ қабул қилиб олинган ҳар бир талабага билим беришга маъсул ҳисобланади. ОТМ талабаларга чуқур ва сифатли дарс бериш учун, аввало малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиши, ўқиш учун керак бўладиган барча шароитларни яратиб бериши керак. Бунга замонавий ўқиш аудиториялари, лаборатория хоналари, амалий машғулот ўтадиган жойлар, махсус тўғарақларни ташкил этиш, мустақил ишлаш учун шароитлар, замонавий кутубхоналар, интернет

хоналари ва бошқалар киради. Бунда ОТМ талабаларни ўқишини доимий назорат қилиши, талабалар ота-оналари билан доимий алоқада бўлиши лозим.

Талабаларни чуқур билимга эга бўлишида иш берувчи, яъни ишлаб чиқариш корхоналари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ишлаб чиқарувчи корхоналар аввалдан ўз эҳтиёжларини ОТМга тақдим этиб, ўзига керакли мутахассисларни жалб қилиши, талабаларни ўқиш даврида амалиётга жалб қилиб, уларда мутахассисликка қизиқишларини уйғотиш ва шу билан бирга уларни рағбатлантириш орқали уларда стимулни шакллантириш лозим.

Юқорида келтирилган субъектлар ўз вазифаларини ўз вақтида бажарса, малакали кадрларга бўлган эҳтиёж қондирилиши мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда шу хулосага келиш мумкинки, ҳозирги кунда малакали мутахассис тайёрлашда талабаларни мақсадли йўналтириш тизими ва механизмини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Талабани мақсадли йўналтириш тизими ва механизмини қуйидагича келтириш мумкин.



Юқорида келтирилган тизимдан талабанинг малакасига таъсир қилувчи қуйидагиларни ажратиш оламиз:

1. Умумотмлараро структуралар таъсири.
2. Мутахассислик кафедра таъсири, жумладан,
 - паст курс талабаларини мутахассисликка жалб қилиш тизими;
 - етакчи талабаларни тайёрлаш тизими;

-ўқитувчилар таъсири;

-махсус таълим технологиялари асосида талабаликни ижтимоий қўллаш тизими;

3. Бизнес ва менежмент вакилларининг таъсири.

4. Ота-оналарнинг таъсири.

5. Ўқитувчиларнинг таъсири.

6. ОТМнинг ички рейтинги.

Хозирги ривожланиш вақтида малакали талаба ўз устида ишлаши, шахсини ўстириши лозим бўлади. Чунки хозирги кунда ишга жойлашишда талаблар юқори қўйилади. Малакали талаба деганда қуйидагилар тушунилади, яъни талаба ўқишни битиргандан сўнг аниқ мутахассислиги бўйича кафолатланган иш жойига эга бўлиши керак ва келажакда ўз мутахассислиги бўйича етук мутахассис бўлиб етишиши керак.

Малакали талаба шаклланишига таъсир этувчи омиллар;

-йўналиш бўйича чуқур фундаментал тайёргарлик;

-барча иш ва вазиятларда муваффақиятга интилиш;

-ўқиш вақтида ташкилотчилик фаолиятни ривожлантириш;

-тадбиркорлик фаолиятни ривожлантириш;

-иш юзасидан давомли алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

-ўз ҳаёти ва карьера юзасидан режаларни мавжудлиги ва назоратини амалга ошириш;

-соғлиқни мустаҳкамлаш ва ўз иш қобилиятини ошириш;

-оилавий хотиржамликни таъминлаш;

-жамоатда ўз обрўсини ошириб бориш;

-ҳаётий омадга ишониш ва бундай вазиятларни яратишга интилиш.

Шу билан бирга ўқиш давомида талаба ўзини қуйидагича тутиши керак:

-биринчи курсданок отмадаги ўқитиш технологияларини жадал ўрганиш;

-шахсий ташкилотчилик- тизимда яшаш ва ишлашни билиш;

-режалаштириш тизимларини билиш ва уни ҳаётда қўллашни билиш;

-атроф-мухитдагилар билан ижобий муомалада бўлиш;

-шахсий фаолиятни доимий назорат қилиб туриш.

Бундан келиб чиқадикки хозирги вақтда юқорида келтирилган барча субъектлар малакали талабаларни етиштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда иш берувчи ва ОТМни ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишдан мақсад нима? Бунинг учун иш берувчи ва ОТМни ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишни қуйидаги анализини кўриб чиқамиз.

Корхона қизиқиши	Талабани қизиқиши	Кафедра қизиқиши
------------------	-------------------	------------------

<p>-малакали кадрларни доимий ишга олиш</p> <p>-амалий тайёрлаш мақсадида талабаларни вақтинчалик ишга олиш</p> <p>-тадқиқот ва ишлаб чиқаришга талабаларни жалб қилиш</p> <p>-илмий ишлаб чиқариш ва маслаҳатларга ўқитувчиларни жалб қилиш</p> <p>-малакали мутахассислар тайёрлашда иш берувчи ўрнини кучайтириш</p>	<p>Иш билан таъминланиши</p>	<p>-битирувчиларни ишга жойлаштиришда қатнашиш</p> <p>-аниқ курс ва диплом ишларини корхона муаммолари билан боғлаш</p> <p>-мутахассисларни тайёрлашда иш берувчи мониторингини олиб бориш</p> <p>-талабаларни амалиёт базаси билан таъминлаш</p> <p>-кафедра ўқитувчиларини малака оширишини таъминлаш</p> <p>-тадқиқот ва ишлаб чиқаришга буюртмалар олиш</p> <p>-корхона ишчиларни қайта тайёрлашга қабул қилиш</p>
---	------------------------------	--

2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА КЛАСТЕР УСУЛИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа:

2.1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига иш берувчиларни жалб қилишнинг аҳамияти.

2.2. Олий таълим муассасаларида рақобатбардошликни таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини ошириш.

Таянч иборалар: иш бозори, рақобатбардошлик даражаси, таълим хизматлари маблағлари.

2.1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига иш берувчиларни жалб қилишнинг аҳамияти.

Олий таълим муассасаси обрўси шаклланиши ва унинг самарали бошқарилиши, муассасага таълим хизмати бозорида ўзини маълум позициясини, ўрнини эгаллашга ёрдам беради. Барқарор ва албатта ижобий обрў таълим хизматини танловчиларга асосий омил бўлиб ҳисобланади. Рақобатчилар ўртасида айнан шу таълим муассасини танлашга ундайди. Ҳар қандай абитуриент қайси олий таълим муассасага киришни жуда кўп ўйлайди, нафақат ўзи, балки ота-онаси билан бу масалани муҳокама қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир иш берувчининг кадрларга бўлган талаби ўсиб бормоқда. Шундай экан, олий таълим, олий таълим муассасасининг битиргандан сўнг иш билан таъминланиши жуда катта муаммо бўлиб, меҳнат бозорида чуқур билим олган, касбий малакаларга эга бўлган кадргина иш берувчини жалб қилади.

Ҳозирги кунда таълим тизими олдида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш долзарб масалалардан биридир. Бу ишни амалга ошириш учун ОТМлар фаолиятини бошқариш тизимларини такомиллаштириш, бунда ҳозирги замон бозори ва истеъмолчилар талабларини эътиборга олиш лозим.

Маълумки олий ўқув юртлари истеъмолчилари иш берувчилар ҳисобланиб, улар битирувчилардан юқори билим ва малакаларни талаб этадилар. Ҳозирги кун битирувчилари ўзларида чуқур билимларни шакллантирган бўлишлари, иш давомида юзага келадиган вазиятларда билим ва тажрибаларни ишга солган ҳолда муаммоларни ҳал қила олишлари лозим. Бу ҳозирги бозор иқтисодиёти кечаётган давр талабидир.

Шундан келиб чиққан ҳода айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ОТМ ва иш берувчи ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим бўлади. Иш берувчи битирувчиларга сони ва сифати жиҳатдан эҳтиёжларни шакллантириши, отмлар эса ушбу талабларни қондириш керак.

Ҳозирги кунда иш берувчиларни битирувчилар сифат даражасидаги кониқишлари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, отмларда тайёрланаётган битирувчилар мутахассислик бўйича етарли билимларга эга эмас, амалий билимлар ва кўникмалар доираси тор даражада. Буни сабаби отмларда берилаётган назарий билимлар амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилмаётганлигидир. Шундан келиб чиққан ҳолда кадрлар буюртмачиларига ҳозирги кунда малакали талабаларни ўқитишда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- талабаларни амалиётини реал иш жойларида олиб бориш;
- ОТМларда ўқитишни иш бозори талабидан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш;
- мутахассис тайёрлаш сифатига талабларни ошириш;
- иш берувчи вакиллари иштирокида ўқиш жойларида мастер-класслар ўтказиш;
- иш берувчиларни якуний давлат аттестациясида иштирок этиши;
- ўқитувчиларни реал иш жойларида малакаларини ошириш;
- иш берувчи вакиллари отмда малакаларини ошириш;
- иш берувчиларни илмий анжуманларда қатнашишларини йўлга қўйиш;
- лойиҳа интеграцияси;
- битирувчиларни иш билан таъминлаш;

Иш берувчи ва отмларни ҳамкорлигини ошириш энг аввало талабаларни турли кўринишдаги амалиётларга олиб бориш орқали амалга ошириш мумкин. Айнан амалиёт талабаларда бирламчи тажрибаларни оширишга

хизмат қилади. Албатта ўқув, ишлаб чиқариш амалиётлари назарий олинган билимлар, илмий изланишлар билан бирга олиб борилса кўзланган мақсадга эришилади. Талаба олган назарий билимларини, лабораторияда бажарилган ишларни реал ишлаб чиқариш шароитларида амалдан ўтказса, ва ўз навбатида иш жойидаги юзага келаётган муаммоларга назарий жиҳатдан ечимлар таклиф қила олсагина етук мутахассис бўлиб етишиши мумкин. Бу ишни амалга оширишда иш берувчи ва ОТМ ўзаро икки томонларни қизиқишларини ўзида акс эттирган ва малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган дастурлар тузишлари керак бўлади.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак бўлади:

-билимларни кузатиш, берилаётган билимларни амалиёт билан мувофиқлигини аниқлаш;

-махсус билимлар кетма-кетлигини тузиш;

-педагогик ва ишлаб чиқаришни махсус билимларни шаклланишидаги оптимал муносиблигини мувофиқлаштириш;

-янги ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини излаш;

-талабаларда ижодий фаолликни ва илмий фаолиятни ошириш.

Юқорида келтирилган ишлар биргаликда, яъни иш берувчи ва ОТМлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилса малакали кадрлар етиштиришда кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

2.2. ОТМларда рақобатбардошлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини ошириш.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар натижасида таълим жараёнида бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан ОТМлар ўртасида таълим сифатини оширилишига соҳа ва тармоқлари учун етук кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

Маълумки, ҳозирги кунда таълимнинг сифати олий таълим муассасасининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим элементлардан бири сифатида қайд этилмоқда. Самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашга янгича, яъни инновацион ёндашиш таълим муассасаси фаолияти соҳаси натижаларини тезкор белгилашга имкон беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда фан ва таълим тобора кучлироқ тарзда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучига айланмоқда, чунки фан ва таълим ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги чексиз захираси ҳисобланади. Глобаллашув жараёнида дунёда барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда таълимга нисбатан янгича ёндашув, давлатни

ривожланишидаги асосий ривожлантирувчи компонентлардан бири сифатида қаралмоқда.

Ҳозирги кунда бошқа соҳалар қатори мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларида таълим хизматлари миқдори ва сифатини янада кўтариш, тадбиркорлик фаолиятининг турларини кенгайтириш, яъни улар диверсификациясини ташкил қилиш, бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг янги йўналишларини амалиётга кенг жорий қилиш, улар самарадорлигини ошириш йўллари катта кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашда молиявий бошқарувни тубдан ислоҳ қилишда, таълим тизимининг барча бўғинларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника-технологияга, ўқув-услубий жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг муҳими, кадрларнинг касбий малакаси ва маҳоратини янада ошириш учун таълим тизимини бошқаришда молиялаштиришни манбаларини янада такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга йўналтирилган биринчи қадам ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиниши билан бу талаб қўйилди.

Ҳозирги кундаги асосий вазифалардан бири бу олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим бўлиб ҳисобланади. Бунга сабаб, иқтисодийни модернизация қилиш шароитида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омилларини ўрганиб, уларнинг таъсирини кучайтириш ва асосий эътиборни қаратиш лозим.

Олий таълимда тадбиркорлик фаолияти дейилганда олий таълим муассаси томонидан амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган, ўзининг мулкый жавобгарлиги асосида жамият, давлат ва аҳоли эҳтиёжларига мос билимларни оширишга қаратилган ва маълум даражада фойда олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади.

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида тадбиркорлик эвазига ўз даромадини ошириш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, самарадорликни ошириш эвазига эришилади. Бу ўқув муассасалари учун ҳам муҳим масалалардан биридир.

Олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш бозор

иқтисодиёти ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида олий таълим тизимида таълим хизматлари бозори сегментлари деб аталувчи давлат ва хусусий олий ўқув юртлари ўртасида рақобатнинг кучайишига сабаб бўлди.

Олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки, тадбиркорлик масаласи бозор муносабатларининг асосий унсурларидан бўлишига қарамасдан, у турли соҳаларда турличадир. Бу ҳолат мазкур масалага ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб қилади. Ҳақиқатда, олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти бошқа тармоқларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. У оддий хизматдан ва тадбиркорликдан мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқ қилади.

Тадбиркорлик ҳатти-ҳаракати – бу бошқарув объекти, яъни ўқитувчи, кафедранинг ҳатти-ҳаракатида акс этади, чунки ушбу ҳолат олий таълим муассасаси тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Профессор- уқитувчи, ходимларнинг тадбиркор сифатидаги ҳатти-ҳаракатлари, тадбиркорлик фаолиятлари билан боғлиқдир.

Олий таълим муассасаларини молиявий жиҳатдан такомиллаштиришда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш, маблағларни тежаш ва мақсадли фойдаланиш, олий таълим тизимини молиялаштиришнинг хорижий тажрибаларини татбиқ этиш, олий таълим тизимини молиялаштиришда тадбиркорлик маблағларини кенг жалб этиш самарадорлигини ошириш, олий таълим тизимини молиялаштиришда молиявий-иқтисодий фаолият барқарорлигини таъминлаш, ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб қилиш, васийлар кенгаши фаолияти самарасини ошириш катта ахамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти деб уларда мустақил ташаббусли, таваккалчилик ҳавфига эга бўлган, конунлар доирасида даромад олиш билан боғлиқ бўлган, пул оқимларининг маълум бир айланиш жараёнига эга бўлган фаолият тушунилади. Шундай қилиб, олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти фикримизча, бюджетдан ташқари фаолиятнинг бир қисми ҳисобланади ва у билан таққослаганда биров торроқ тушунча ҳисобланади. Олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига кўрсаткичларнинг қуйи ва юқори даражасини таққослаш асосида баҳо бериш мумкин. Бунда, олий таълим муассасасининг иқтисодий бошқарув мезонига кўпроқ эътибор қаратилади. Чунки, олий таълим муассасалари иқтисодиётининг моҳиятини акс эттирувчи энг муҳим жараёнлар ҳолати таҳлил қилиниши зарур. Иқтисодий ўзгариш ва ижтимоий ривожланишнинг жорий ва ўрта муддатли хусусиятларини ифодаловчи

кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- олий таълимда маблағларнинг ўсиш кўрсаткичлари (бюджетдан ташқари, маблағлар тушумининг ўсиши ва таркиби, инвестициядан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари ва ҳоказолар);

- олий таълим салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- олий таълимда профессор уқитувчи ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилаётган ресурслар миқдорини ўсаётганлиги;

- эришилган натижалар аввалгилари билан таққослаганда – самарали ишлаётган корхона меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқариш ва хизмат харажатларининг камайиши;

- давлат ўқув муассасалари фаолияти самарадорлиги билан хусусий ўқув муассасаларининг ўхшаш самарадор таълим хизматлари;

- режалаштирилган ва эришилган натижалар.

Бугунги мавжуд олий таълим муассасалари малумотлари ва иқтисодий таҳлил натижаларига асосланган ҳолда олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини аниқлашнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизимин такомиллаштириш лозим:

- Олий таълим муассасалари молиявий маблағларнинг тушум даражаси. Бу ўз ичига бюджет маблағларининг тушум даражаси; бюджетдан ташқари маблағларнинг тушум даражаси (таълим хизматларидан маблағлар тушум даражаси; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан олинган маблағларнинг тушум даражаси; ўқув хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан ҳосил бўлган маблағларнинг тушум даражаси; ҳомийлик маблағлари тушуми даражаси ва бошқалар)ни қамраб олади.

- Олий таълим муассасаларида молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси. Бу кўрсаткичлар жумласига бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси; бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси (таълим хизматлари маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси; ўқув хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушган маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси; ҳомийлик маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси ва бошқалар) киритилади.

- Олий таълим муассасаларида хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси кўрсаткичларига хорижий инвестициялар ҳажми, уларнинг таркибий тузилиши, тасдиқланган лойиҳаларнинг амалга ошириш даражаси, иқтисодий самарадорлиги кабилар киради.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мутахассис

кадрлар ва педагоглар, ходимларнинг малакасини ошириш кўрсаткичлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва бошқаларнинг ижтимоий ҳимоялаш кўрсаткичлари ҳам олий таълим муассасаларининг таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолашга кенг имкон яратади.

Тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган маблағлар буюртмачи ва олий ўқув юрти ўзаро розилиги асосида олий ўқув юрти томонидан харажатлар бандлари бўйича мустақил тақсимланади. Олий ўқув юрти томонидан ускуналарни сотиш ёки ижарага беришдан тушган маблағлар, у томонидан ташкил қилинган тижорат корхоналари фойдасидан чегирмалар олий ўқув юрти томонидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланилади. Корхоналар ва идоралар олий ўқув юртига мустақил тасарруф этадиган ускуналар ва материалларни, бинолар ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молиявий ресурсларни ҳомийлик тариқасида бериши мумкин.

Олий таълим муассасалари ўқув учун моддий ва меҳнат ресурслари чекланган шароитда олий ўқув юртининг бюджетдан ташқари фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан самарали ташкиллаштирилиши олий ўқув юрти мақсади ва вазифаларини (таълим, фан, маданият) яхши натижалар билан амалга оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида қарашли олий таълим муассасалари иқтисодиётининг ўз (бюджетдан ташқари) ресурсларидан жадал ва кенгайтирилган қайта ишлаб чиқарилишига имкон яратувчи ўқув юртлари учун шундай бир ташкилий-иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш, яъни ўзини ўзи етарлича таъминловчи ва ўзини ўзи ривожлантирувчи тизимини яратиш вазифаси турибди.

Олий ўқув юртлари тадбиркорлик фаолияти ўз рақобат қобилиятини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади. Олий ўқув юртларининг рақобатбардошлиги тушунчасини унинг маълум давр оралиғидаги конкрет бозор шароитларида бошқа рақобатчилардан бир қатор устиворли кўрсаткичлар: молиявий-иқтисодий маркетинг, моддий-техник, кадрлар ва ижтимоий-сиёсий кўрсаткичлар бўйича устунлиги, шунингдек, олий ўқув юртларининг зарарсиз фаолият олиб бора олиш ва ташқи муҳит ўзгаришларига тез мослаша олишини акс эттирувчи комплекс тадбирлар сифатида тақлиф этилди ва асослаб берилди. Шунингдек, олий таълим тизимида тадбиркорлик самарадорлигини ошириш унинг сифат даражасига, яъни унинг рейтингига боғлиқ бўлганлиги боис, ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганиш лозим. Бундан ташқари, таълим самарадорлигини кўтаришда авваламбор, халқаро давлатлар тажрибасига таяниш, мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик, унинг аҳолисини тўлов қобилиятини

эътиборга олиш, таълим олишнинг мақбуллиги, таълим хизматлари сифатининг юқорилиги, ўқув-услубий мажмуанинг истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши каби қатор хусусиятларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иктисодий ислохотлар доирасида ОТМларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун куйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- олий таълим муассасаларида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тизимини, айниқса бюджетдан ташқари маблағлар (таълим хизматлари ва тадбиркорлик) ҳисобидан, босқичма-босқич такомиллаштириб бориш;

- фундаментал лойиҳаларда, халқаро грантларда иштирокини ошириб бориш;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлашда ҳомийларни жалб қилишни янада кенгайтириш;

- олий таълим муассасаларида пулли таълим хизмати кўрсатиш, тадбиркорлик, консультация, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий фаолият ва фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг даромадлари куламини янада оширишни таъминлаш.

- мамлакатимизда ҳозирги кунда олий таълим муассасалари ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда мутахассисликлари бўйича ўз тажриба участкаларида, лабораторияларидан фойдаланган ҳолда қўшимча хизмат турларини кенгайтириш, масалан: қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик, техника, саноат, енгил саноат йуналишлари бўйича ишлаб чиқариш, тил ўргатиш амалий хорижий тил ўргатиш курслари кўпайтириш.

Юқорида қайд этилган хулосалар, келажакда олий таълим муассасалари томонидан тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини янада оширишга, бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топиш имкониятини беради.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИ МУРОЖААТИ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАЗАСИДА МАҚСАДЛИ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ, ПРОФЕССИОНАЛ МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ, ТРЕНИНГЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.

Режа:

1.1. Олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва корхоналар ўртасидаги шерикчилик муносабатлари.

1.2. Таълим тизими ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш зарурияти ҳамда мақсади.

1.3. Кадрлар буюртмачиларига олий малакали кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар.

1.1. Олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва корхоналар ўртасидаги шерикчилик муносабатлари.

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг бошланишидаги янги шароитлар олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тузилмаси, уларнинг билим ва кўникмаларига бўлган талабни ўзгартирди. Эндиликда янги билимларни амалда қўллай оладиган, муайян касб соҳасидаги имкониятлар кўламини тушуна оладиган кадрларга талаб юқори. Булар нафақат жорий хўжалик ва ишлаб чиқариш масалаларини малакали ҳал қиладиган, балки тўғри қарор қабул қила оладиган таҳлилий қобилиятга эга, юқори даражали мутахассислар бўлиши лозим.

«Олий малакали мутахассислар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш»га йўналтирилган долзарб муаммо таълим жараёнининг сифатига бевосита таъсир этувчи омилларни ва шунингдек, сифатни баҳолашга кўмаклашувчи кўрсаткичларни ёритишга қаратиш лозим. Юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий таълим тизимининг вазифаси ҳисобланади. Илмий-педагог ходимлар ва таълим олувчилар илмий-тадқиқотлари ҳамда ижодий фаолиятлари воситасида фан, техника ва технологияни ривожлантириш, олинган натижалардан таълим жараёнида ва тармоқларда фойдаланиш самарасига эришиш лозим. Ҳозирги замон мутахассиси кенг гуманитар билимга эга бўлиши лозим. Бу унинг маънавий ва маданиятини белгилайди. Кадрларни буюртмачилари талабидан келиб чиққан ҳолда касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

-инсонлар: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-

ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва б.;

-технологиялар: педагогик, тарбиявий, информациявий, бошқарув, назорат қилувчи ва б.;


-моддий-техникавий таъминот: бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б.;

-меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;

-рағбатлантиришлар ва асослар;

ташқи таъсирлар: бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

Мамлакатимизда амалга оширилган таълим ислохотлари даврида қабул қилинган Давлат таълим стандартлари олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлик жараёни мазмунини тубдан ўзгартирди. Таълим мазмунини шакллантиришдаги янгича ёндашувлар олий таълим муассасаларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини демократлаштириш ва кенгайтиришда, ўқув дастурлари мазмунини белгилашда, касбий таълимнинг унинг барча бўғинларида узлуксизликни таъминланишда намоён бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида ҳар бир олий таълим муассасаси олдида турган вазифалардан бири бўлиб таълим жараёнида кадрлар буюртмачилари билан интегратив алоқадорликларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш, ўқитишда мажмуавий тизимли ёндашувни амалга оширишда улар буюртмаси асосида иш олиб бориш лозим.



1-расм. Олий таълим тизимининг малакали мутахассисларни тайёрлашдаги асосий вазифалари

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари ва университетларда қўллашга тайёр бўлган илмий технологиялар мавжуд. Илмий ишланмаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш, уларни меъёрий ҳужжатлар билан расмийлаштириш, бизнес режа тузиш ва бошқа чораларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ишланмалар Давлат

бюджетидан ёки кўпроқ иқтисодиётнинг асосий манфаатдор тармоқлари ва етакчи корхоналари томонидан молиялаштирилишда албатта шерикчилик асосида олиб борилиши лозим. Уларни тижоратлаштириш учун эса инновация ғояларини илгари сурадиган ихчам воситачи ташкилотлар, жумладан, мослашувчан, олимларимиз томонидан яратилган илмий тақлифлар ҳисобидан тармоқларни ривожлантириш бўйича кўплаб вазифаларни ҳал этадиган ишлаб чиқариш тузилмалари эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган кичик воситачилик фирмалари ташкил этиш зарур. Улар буюртмачиларимиз олимларимиз томонидан яратилган ишламалар ривожлантириш ҳисобига тармоқларни кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ривожлантиришга доир кўплаб вазифаларни ҳал қилади.

1.2. Таълим тизими ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш зарурияти ҳамда мақсади.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнларига таъсир этувчи омиллар ва интеграциялашувнинг асосий тенденциялари бугунги кунда жамият ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг ҳал қилувчи кучига айланиб улгурди. Чунки, кундалик турмушимизда илм-фан ютуқлари, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро жипс алоқалари натижасида вужудга келадиган товар-хизматларсиз мавжуд бўлган ҳеч қайси бир соҳа йўқдир. Инсоният бугунги кунда йигирма биринчи асрга қадам қўйиб, ўтган асрлар мобайнида урушлар ва турли инқилоблар натижасида ўз тарихида давлатлар ҳамда халқлар орасида юзага келган душманлик ва низоларни, касалликлар ва эпидемияларни, бузғунчилик ва айирмакашлик каби иллатларни енгиб ўтиш учун янги юз йилликдан буларнинг тубдан бартараф этилишини кутиб яшамокда. Янги юз йиллик халқлар, мамлакатлар, қитъаларнинг интеграциялашуви, иқтисодиётнинг ва инсон ҳаётининг барча соҳаларидаги глобаллашув даврига айланиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳам йигирма биринчи аср кўп соҳаларда бўлгани каби илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам интеграциялашув ва глобаллашув асри бўлади деган ғоя асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шу ўринда интеграция, интеграцион жараёнлар, унга таъсир этувчи омилларнинг табиатини билиб, тушуниб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Интеграция – бу энг аввало, табиий жараёндир. Бу жараён унда иштирок этувчиларнинг бир-бирларига яқинлашуви, қўшилиб кетиши, қисмларининг бирлаштирилишини кўзда тутиши билан бирга уларнинг ўзига хосликлари сақланиб қолишини ҳам ифодалайди. Биз фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция ҳақида гапирар эканмиз, у ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, интеграциянинг ривожланиши унда иштирок этувчи ҳар бир таркибий қисмларнинг ўзлари ҳам маълум бир маънода ривожланганлик даражасига эга эканлигига асосланади. Интеграция ҳақидаги фикр-

мулоҳазаларни уйғунлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, интеграция ҳақидаги илк бора пайдо бўлган дастлабки қарашлар интеграция таърифланиши борасида ўзгармас ҳолича қолгандир. Интеграция ўз-ўзидан йўқ жойда пайдо бўлавермайди, у интеграциялашувга эҳтиёж сезаётган объектлар ва субъектлардаги интеграциялашувга интилиш жараёнларининг маҳсулидир. Бу нарса айниқса, халқаро интеграциялашув майдонида минтақавий интеграция жараёнлари намунасида яққол кўзга ташланади. Интеграцион жараёнларнинг ўсиши ёки кучайиши унинг табиий равишдаги рўй берадиган жараён эканлигидан дарак беради. Интеграцион жараёнларга қамраб олинган субъектлар ёки объектлар ўзларининг асл хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ўз ривожланишининг сифат жиҳатдан янги кўринишига ёки босқичига ўтадилар.

Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичларида интеграциялашувга талабнинг кучайиб бориш – бу ҳайрон қоларли ҳодиса эмас. Интеграция эса ўз навбатида ўзаро очиқликни талаб қилади. Фақат бундай очиқлик иқтисодий чегараларнинг, миллий бозорларнинг товарлар, капитал, хизматлар ва шахсларнинг ўзаро ҳаракатлари илм-фан, маданият, маърифат, санъат ва тил бойликларининг ўзига хослигига даҳл қилмаган ҳолда амалга ошадиган шарт-шароитларни яратиши лозимдир. Айнан мана шу шартларга риоя қилингандагина интеграция ўзининг ижобий тараққийпарварлик хусусиятларини намоён қила олади. Шу билан бирга, интеграция мураккаб жараён бўлиб, унинг амалга оширилиши учун вақт, ихтиёрийлик, чидам ва келишувчанлик талаб қилинади. Бошқача айтганда, интеграция жараёнларини амалга ошириш учун кишиларнинг онгини унга тайёрлаш зарур бўлади. Бу шартларнинг риоя қилиниши доимо асосий масала бўлиб ҳисобланади, чунки, бу жараёнларда интеграциянинг энг муҳим хусусияти – унинг халқ ва давлат суверенитетига даҳл қилмаслиги ўткир муаммога айланади. Бу муаммо айниқса, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион алоқаларнинг амалга оширилишида кучли намоён бўлади. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига тасир кўрсатувчи кўплаб омиллар мавжуддир. Улар ичида энг аввало, бундай интеграцияда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган ишлаб чиқаришни ажратиб кўрсатиш лозим. Чунки, ҳар қандай илм-фан, таълим жараёнларининг интеграцион алоқалари қанчалик кучли ва барқарор бўлмасин, агарда уларнинг ҳосил қилган ютуқлари ишлаб чиқариш соҳасига сафарбар этилиб, ўзининг юзага келиши учун сарфланган сарф-харажатлар ишлаб чиқариш томонидан оқланмас экан, бундай интеграция доимо чала бўлиб қолаверади. Бунинг устига ишлаб чиқариш ҳозирги вақтларда инсон

турмушининг, халқлар ва мамлакатлар ҳаётининг бориш жараёнига шу қадар сингиб кетганки, у эндиликда миллий ва сиёсий чегаралардан бемалол ўтиб кетгандир. Бошқа томондан олиб қараганда, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси учун миллий ва сиёсий чегаралар эндиликда торлик қилиб қолган.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига таъсир кўрсатувчи яна бир омил бўлиб бозор ҳисобланади. Ҳозирги замон бозори, шу жумладан, олий таълим хизматлари бозори ҳам, жуда тиғизликка эга бўлиб бормоқда ва улар ўзларининг якуний харидорларини топиш учун янгидан-янги манбаларни излаб топиш пайига тушгандир. Шу сабабли бизнинг одатий тушунчамиздаги ишлаб чиқариш товарлари ва хизматлари бозори таълим хизматлари бозори билан тўқнаш келиб, улар орасида интеграциялашув жараёнларига замин пайдо бўлди. Бу ерда шу нарсага алоҳида диққат қаратиш лозим бўладики, ишлаб чиқариш субъектлари ва илм-фан, таълим хизматларини кўрсатувчилар бозорда ўзаро манфаатли асосларда унинг энг асосий элементи – товар ва хизматларни яратиш ва уни харидорларга етказиб бериш бўйича бир мақсад сари бирлашишлари мумкиндир. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ҳам, илм-фан ва таълим субъектларининг ҳам интеграциялашувдек ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларида ўзаро манфаатдорлигини келтириб чиқаради.

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион алоқалар жараёнларига таъсир қилувчи навбатдаги омил бўлиб иқтисодиётдаги энг муҳим муаммолардан бири – ресурслар тақчиллиги шароитида хом-ашё, энергия, фойдали қазилмалар, интеллектуал меҳнат маҳсули кабилардан унумли фойдаланиш зарурати саналади. Табиат шундай тақсимотни амалга оширганки, бунда исталган ишлаб чиқарувчи ўзи хоҳлаган ҳар қандай ресурслардан истаганича фойдалана олмайди, балки бунда у ресурсларнинг чекланганлигини инобатга олмасдан иложи йўқдир. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқарувчилар айнан илм-фан ва таълим соҳаси вакиллари билан интеграцион ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина ўзларининг бозордаги ўринларини сақлаб қолиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилишлари зарурияти ва мақсади муҳим.

1.3. Кадрлар буюртмачиларига олий малакали кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар.

Мамлакатимиз олий таълим тизими олдида ҳозирги кунларда турган энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб олий малакали кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини таъминлаш саналади. Бу муаммони ҳал қилиш учун олий малакали кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигига таъсир

кўрсатувчи омилларни аниқлаб олиш, уларнинг таъсир доирасини ўрганиш, таснифлаш ва шундан сўнг лозим бўлган ташкилий, илмий-тадқиқотчилик, иқтисодий ва бошқа шу каби ишларини амалга ошириш зарур бўлади. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар етказиб бериш биз учун ҳозирги кунларда жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий ривожланишнинг бир қатор омиллари кадрлаш тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдига таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий ёндашувларини зарурий даражада замон талабларига мослаштириш бўйича янги талабларни қўйди. Бу аввало, мураккаблашиб бораётган ижтимоий турмушнинг ҳозирги шароитларида фаолиятнинг турли соҳаларида меҳант қилаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, шу асосда кадрлар кўнимсизлигидек меҳнат бозорининг ноҳуш ҳолатларига чек қўйиш билан боғлиқ. Бу жараёнга таъсир кўрсатиб, уни яхшилашга эса кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги янгича концептуаль қоидаларга ўтиш ва уларга таянган ҳолда таълим жараёнини тубдан яхшилаш билан бутун олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг замонавий шарт-шароитларини яратишга муваффақ бўлиш мумкин. Бунда ҳал қилувчи аҳамиятга ўқув жараёнини ташкил этишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, бунда талабаларнинг назарий ва амалий тайёргарлик даражасининг юқори бўлишини таъминлашни кўзда тутиш лозим бўлади.

Ҳозирги даврда юзага келган ижтимоий-иқтисодий шароитларда меҳнат бозорида айнан юқори малакали ва кенг касбий фаолият доирасига эга бўлган мутахассисларгина катта талабга эга саналадилар. Бундай юқори малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлиги эса олий таълим муассасасида талабаларга нафақат билим бериш учун ўқув машғулоти хажмини ошириб қўя қолиш билан, балки уларнинг назарий ва амалий тайёргарликлари даражаси юқори бўлишини таъминлайдиган омилларга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида амалга оширилган ишларда мазкур масаланинг моҳияти кўпроқ ахборот-эҳтимолийлик нуқтаи-назаридан ёритилган бўлиб, эмпирик тажрибаларга асосланган концептуаль-конструктив ишланмалар хажми унчалик кўп эмасдир. Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш борасида ташкилий, илмий-педагогик ишларни амалга оширишда мазкур масалага кенг нуқтаи-назардан ёндашиш зарур бўлади.

Мана шунга боғлиқ ҳолда юқори профессионал хусусиятга эга бўлган кадрларни шакллантириш учун олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда маълум бир педагогик таъсирларни кўрсатиш талаб қилиниб, улар маълум бир касбий фаолият соҳасидаги мутахассислик талаблари билан шартланган ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар ҳамда қобилиятларни мажмуавий ва тўлиқ қондирилишини таъминлайдиган воситалар ҳамда методларга таянадиган назарий ва амалий тайёргарлик доирасида амалга оширилиши мумкин.

Олий таълим муассасасида тарбиялаб етиштирилаётган бўлғуси мутахассиснинг назарий, амалий ва илмий фикрлай олишга қобиллиги – бу исталган касбий фаолият соҳасидаги ҳар бир кадрнинг юқори профессионал даражада мутахассис эканлигини билдирувчи мезонлардан биридир. Касбий фаолият соҳасида кадрнинг фаолияти унинг шахсий, руҳий ва жисмоний хусусиятларига йўналтирилган бўлади. Табиийки, бунда бўлғуси мутахассисни тайёрлаш жараёнида унга касбий таъсир кўрсатиш объекти фикрлаш тарзида тўлиқ бўлиб, касбий фаолиятнинг узрли жиҳатлари ва кўринишлари яхлитлиги ҳолатида намоён бўлиши керак. Айнан мана шу йўсинда таълим-тарбия олган бўлажак мутахассисгина ўз касбий фаолиятида тўғри, яъни конкрет амалий вазиятга мос бўлган профессионал қарорни қабул қила олиш даражасига етишади.

Мамлакатимизда амалга оширилган таълим ислохотлари даврида қабул қилинган Давлат таълим стандартлари олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлик жараёни мазмунини тубдан ўзгартирди. Таълим мазмунини шакллантиришдаги янгича ёндашувлар олий таълим муассасаларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини демократлаштириш ва кенгайтиришда, ўқув дастурлари мазмунини белгилашда, касбий таълимнинг барча бўғинларида узлуксизликни таъминланиши кабиларда намоён бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида ҳар бир олий таълим муассасаси олдида турган вазифалардан бири бўлиб таълим жараёнида интегратив фанлараро алоқадорликларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш, ўқитишда мажмуавий тизимли ёндашувни амалга ошириш саналади.

Олий таълим амалиётидан маълумки, ҳар бир олий таълим муассасасидаги ўқув жараёни талабаларда илмий-назарий ва илмий-амалий фикрлай олиш қобилиятини таъминлаши зарур. Бундан келиб чиқиб эса айтиш мумкинки, бундай фикрлай олиш қобилиятини шакллантириш учун ўқитиш жараёнининг назарий-амалий жиҳатдан даражаси юқори бўлишини

таъминлаш керак бўлади.

Ҳозирги кунларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш турли-туман педагогик, ташкилий, иқтисодий ва бошқа шу каби жараёнлардан иборат ижтимоий ҳодисани намоён қилади. Бу жараёнларни бошқариш учун эса олий таълим муассасасида таълим жараёнини бошқаришнинг ўзини интенсификациялаш зарур бўлиб, бу ўз навбатида таълим муассасасида меҳант қилувчилардан катта педагогик, ташкилий ва касбий маҳоратларни ишга солишни талаб қилади.

Касбий фаолиятни амалга оширишда инсон омилини фаоллаштиришнинг марказий вазифаларидан бири бўлиб ўз ичига умумий ривожланиш билан бир қаторда юқори касбий тайёргарликни ва малакани доимий ошириб боришни оловчи киши шахсини ривожлантириш масаласи саналади. Касбий атайёргарликнинг бу анъанавий муаммоси ҳозирги кунда кўплаб илмий нуқтаи-назарлар орқали ўрганилиб, бу кадрлар тайёрлаш борасидаги педагогик назарияни мажмуавий ёндашув билан бойитиб бормоқда. Бутун олий таълим тизими уни яхлит олиб қараганда жуда консерватив хусусиятга эгадир ва шунинг учун ҳам таълим стандартларининг тузилмасида кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш бўйича ўзгаришлар аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилишини кўзда тутиш лозим саналади. Буларнинг барчаси ҳозирги замон олий таълим тизимининг ҳолатини ва унда кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар механизмларини ишлаб чиқишни, кейинчалик уларни олий таълим муассасалари фаолиятида жорий қилишни чуқур англашни талаб қилади.

Ҳозирги кунлардаги мамлакатимиз таълим тизимидаги вазият олий таълимга бўлган қизиқишнинг ортиши, жамиятда олий таълимнинг нуфузи ошиб бориши билан тавсифланади. Бунга нодавлат таълим муассасаларининг пайдо бўлиши, анъанавий бўлиб қолган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва уларда таҳсил оловчилар сонининг кўпайиб бориши, олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов курсларида ўқийдиганлар сонининг кўпайганлиги, бундай тайёрлов курсларида тайёгарликдан ўтиб, олий ўқув юрти талабасига айланганлар улушининг орти бораётганлиги, мамлакат олий ўқув юртларида ўртача танлов баллининг кўтарилиб бориши каби кўрсаткичлар гувоҳлик беради. Шубҳасизки, мана шу жараёнларга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб таълимнинг диверсификациялашуви жараёни саналади. Таълимнинг диверсификациялашуви, хусусан, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисосликлар сони ва шунга мос ҳолда олий ўқув юртларида кафедралар сонининг доимий ортиб боришида

намоён бўлмоқда.

Шахснинг кўп қиррали табиати ва унинг шаклланишига фаолиятли ёндашув педагогик амалиётда юқори малакали кадрлаш тайёрлаш борасида энг аввало комил, етук шахс бўлиб етишиш йўлида индивиднинг ижтимоий ва биологик соҳаларида унинг ижобий олға ривожланиши яхлитлигини таъминловчи жамлама тузилмасини ифодаловчи фаолиятнинг турли-туман кўринишларидан фойдаланишни шарт қилиб қўяди. Касбий профессионал шахсни шакллантириш жараёни касбий таълим талаб қиладиган эҳтиёжлар ва қобилиятларни тўла қондириш методларига асосланадиган доирадаги педагогик таъсирлар кўрсатилишини талаб қилади. Мана шу ерда юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги шахснинг касбий профессионал кадр бўлиб етишишига ижтимоий талаб билан уни амалга ошириш мураккаблиги орасидаги асосий қарама-қаршилик бир қатор ўзаро мос келмайдиган ҳолатларни шартлайди:

- касбий фаолиятнинг замонавий турлари талаблари ва шахснинг бу талабларни бажара олишга қониқарсиз ҳолда тайёрланганлиги ҳолати;

- профессионал шахсни тарбиялашда кенг миқёсли педагогик таъсирларни кўрсатиш зарурлиги ва бу жараёнда юқори малакали кадрларни тайёрлаш соҳасида таълим концепциясининг назарий-методологик асосларининг бутун салоҳиятидан фойдаланмаслик;

- кўп йиллик ўқув ва касбий фаолиятда касбий тайёргарликнинг юқори даражасини таъминлаб туриш зарурати ва талабли-мотивацион ва қадриятли-йўналтирилган муносабатларини шакллантиришга касбий таъсирларнинг йўналтирилганлиги мавжуд эмаслиги.

Мана шу қарама-қаршиликларнинг ҳал қилиниши олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини оширишга, шу йўл билан олий таълим муассасасининг таълим хизматлари бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши ва олий ўқув юртининг ўз ижтимоий функциясини тўла амалга оширишига замин ҳозирлаш мумкин бўлади ва бунда кадрлар буюртмачилари билан тузилган шартномалар сифатли амалга оширилади.

1-АМАЛИЙ ИШНИ БАЖАРИШ

Материаллар: 1 ва 2 -таркатма материаллар

Иш тартиби: индивидуал, жуфтликда, кичик гуруҳларда, ялпи муҳокама.

Ишдан мақсад:

Сессияда иштирокчилардан таълим сифатини оширишда инновацион менежмент, таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш, халқаро стандартларни олий таълим тизимида жорий қилиниши ва уларнинг ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида муҳокама қилиш.

Сўнгра уларга 1 ва 2 таркатма материаллар топширилади. Тингловчилар 1-таркатма материалдаги Халқаро сифат стандарти ИСО 9001, Сифат менежменти тизими ҳақидаги материаллари ва 2-таркатма материалда Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг Қоидалар мажмуаси билан танишган ҳолда фикр ва мулоҳазалар келтирилади. Бу вазифа учун тренер 12 дақиқа ажратади.

Сўнгра тингловчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб 1 таркатма материалдаги саволларга ўз жавобларини муҳокама қилган ҳолда тўғри жавоблар билан солиштириштирилади. Натижада, тренер билан биргаликда савол-жавоблар ўтказадилар.(10 дақиқа)

Тингловчиларга бериладиган таркатма материаллар

1-чи таркатма материал (1 гуруҳ учун): *Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллаш.*

1.3. Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллаш (ИСО-9001 сериядаги халқаро сифат стандартлари). Сифат менежменти тизими принциплари (СМТ).



Халқаро стандартизация нима ва у қандай фаолиятларни бажаради?

- _____
- _____
- _____

Стандартлаштиришнинг қандай функцияларни бажаради?

- _____
- _____
- _____

Халқаро стандартлаштиришни аҳамияти нимадан иборат?

- _____
- _____
- _____
- _____

Расмни изоҳланг:



1-чи таркатма материал (2 гуруҳ учун): Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллаш.

1.3. Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллаш (ИСО-9001 сериядаги халқаро сифат стандартлари). Сифат менежменти тизими принциплари (СМТ).



Халқаро стандартизация нима ва у қандай фаолиятларни бажаради?

- _____
- _____
- _____

Халқаро стандартиштиришнинг тамойиллари қандай?

- _____
- _____
- _____

Стандартиштиришнинг қандай турлари мавжуд?

- _____
- _____
- _____
- _____

Расмни изоҳланг:



1-чи таркатма материал (3 гуруҳ учун): Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллаш.

1.3. Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллаш (ИСО-9001 сериядаги халқаро сифат стандартлари). Сифат менежменти тизими принциплари (СМТ).



Халқаро стандартизация нима ва у қандай фаолиятларни бажаради?

- _____
- _____
- _____

ISO ўзи нима? (International Standart Organization).

- _____
- _____
- _____

ISO қандай фаолият бажаради?

- _____
- _____
- _____
- _____

Расмни изохланг: “Сифат менежменти биноси”**Тингловчиларга бериладиган тарқатма материаллар:****1-чи тарқатма материал.****1-чи гуруҳ учун:****Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг Қоидалар мажмуаси**

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг Қоидалар мажмуаси (Сифат Қоидалари мажмуаси) олий таълим тизимини сифатини назорат қилиш Агентлигида руйхатдан ўтган олий таълим муассасаларига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Буюк Британия олий таълим тизимини сифатини назорат қилиш бўйича Агентликнинг Қоидалар Мажмуасининг мақсади қуйидагилардир.

✓ Олий таълим тизимига қўйиладиган юқори академик стандартларга мос келиш;

✓ Олий таълим муассасаси талабаларга бераётган таълим сифатини таъминлаш;

✓ Олий таълим тизимини узлуксиз ва тизимли равишда ривожланишини қўллаб қувватлаш;

✓ Олий таълим муассасалари ҳақида тўлиқ маълумотнинг мавжудлигини таъминлаш.

Сифат Қоидалари мажмуаси Буюк Британиянинг 4 маъмурий–сиёсий қисмида жойлашган олий таълим муассасаларига тарқатилади, бундан ташқари бу сифат Қоидалари мажмуаси Буюк Британия халқаро таълим муассасалари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Бу Қоидалар барча Британиялик талабалар манфаатини, улар қандай таълим турида ўқишидан қатъи назар (кундузги, сиртки, бакалаврият, магистратура) ҳимоя қилади.

Бу Агентлик мунтазам равишда таълим муассасаларини сифатини назорат қилиб, уларнинг қўйилган талаб ва сифат мезонларига мос келиш - келмаслигини текширади. Мазкур ҳужжат сифат бўйича Қоидалар Мажмуасининг техник ахборотларини ўз ичига олган. Олий таълим тизими сифат Агентлиги кенг оммага мўлжалланган таълим тизими сифати бўйича қўлланма ҳам нашр этган.

1-чи гуруҳ учун саволлар:

Буюк Британия олий таълим тизимини назорат этувчи АГЕНТЛИКНИНГ ҚОИДАЛАР МАЖМУАСИ ўзи нима?

Қонунчиликка муносабат

Сифат Қоидалари мажмуаси ўз ичига нималарни олади?

- Талаблар
- Барқарор амалиёт кўрсаткичлари
- Умумқабул қилинган афзалликлар
- Боблар
- Мавзулар

Буюк Британия учун олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг ҚОИДАЛАР МАЖМУАСИ нима учун зарур?

Сифат Қоидалари мажмуаси қандай шаклланган?

Сифат Қоидалари мажмуаси(СКМ) кимга мўлжалланган?

Олий таълим муассасаларига

Таълим стандартлари ва сифатига жавоб берувчи мутахассисларга

Олий таълимнинг кенг мутахассисларига

Талабаларга

Агентликнинг назорат олиб борувчи инспекторларига.

Амалиётда СКМ қандай амалга оширилади?

Олий таълимни сифатини назорат Агентлигини роли қандай?

Олий таълимда хомий ташкилотларнинг роли қандай?

Тенглик ва фарқлар

Академик стандартлар, сифат, ривожланиш ва ахборот

СКМда қўлланадиган иборалар

Яна қандай ресурслар фойдали бўлиши мумкин?

Қўшимчалар-СКМни қўлланилиши:

- ✓ Буюк Британиянинг 4 маъмурий қисмида қўллаш
- ✓ СКМни базавий таълимга нисбатан қўллаш
- ✓ СКМни Буюк Британиядан ташқарида қўллаш.

Мунтазам равишда Буюк Британияда ҳар йилли олий таълим тизими СКМси текширилади ва ўзгартиришлар киритилади. Олий таълим тизимининг сифат назорати Агентлигининг СКМсига барча олий таълим муассасалари риоя қилишлари шарт. Бу ҳужжат миллий даражада тасдиқланган бўлиб, олий таълим дастурларини тавсия қилувчи ва ишлаб чиқувчи барча ташкилотлар учун дастуриламал бўлиб ҳисобланади. Бу олий таълим муассасалари фаолият натижаси бўлиб, бакалавр, магистр малакасини ёки илмий унвонларни бериш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Олий таълим тизимини сифатини назорат Агентлигининг СКМси талабларига таълим муассасалари риоя қилишлари мажбурийдир.

Англия, Шимолий Ирландия, Шотландия ва Уэльс маъмурий территориялардаги олий таълим муассасалари ва Халқаро олий таълим муассасалар юқоридаги ҳужжатлар асосида фаолият олиб борадилар. Шу билан бирга баъзи тармоқ олий таълим муассасалари ҳам шу ҳужжатлар асосида иш олиб борадилар ва малака ёки илмий унвонларни беришлари мумкин.

1.2. Академик стандартлар, сифат, такомиллаштириш, ахборот

Бу 4 кўрсаткич Агентликнинг барча ташқи текширувларининг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Кўп жихатдан булар ўзаро боғлиқ бўлсада, улардаги фарқни СКМ таркибида келтирилганлардан аниқлаш керак.

Минимал(дастлабки) академик стандартлар - малаквий даража ёки илмий унвон олиш учун зарур бўлган билимлар ва ютуқларга бўлган талаблардир(докторлик минимумдай). Ҳар қандай малакавий даража учун алоҳида академик стандартлар ишлаб чиқилган. Бундай стандартлар Буюк Британиянинг барча маъмурий ҳудудларида бирдай

қўлланади.

АКАДЕМИК СТАНДАРТЛАР—илмий унвонлар берувчи ташкилотларнинг малкака ва даража олиш учун тасдиқланган стандартларидир. Бундай стандартлар минимал стандартлардан юқори даражада ўрнатилади(ишлаб чиқилади).

Минимал ёки бошланғич стандартлар илмий даража, унвон берувчи ташкилотларда олий таълимдаги малака даражасига тўғри келувчи, яъни унинг мантиқан юқори даражадаги давоми бўлиб қўлланади. Минимал академик стандартлар олий таълимдаги талабаларга ўрнатилган малаквий стандартлардан фарқ қилади. Малкавий стандартлар олий таълимда маълум йўналиш бўйича билимлар ва малакавий кўникмаларга эга бўлишни назарда тутди. Илмий даража берувчи ва тасдиқловчи ташкилотлар минимал академик стандартлар асосида иш юритади ва жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Олий таълимнинг дастурий ўқитиш жараёни натижасида миллий малакавий классификация кўрсаткичларига мос келувчи юқори рақобатли кадрлар тайёрланади. Талабалар ютуқлари улар танлаган Дастур мазмун ва моҳиятини қандай даражада ўзлаштирганликлари ўтиш баллари асосида баҳоланади. Бу жиҳатлар, қўйилган кучли талаблар Буюк Британия олий таълимнинг кучли томони хисобланади.

Барча олий таълим муассасалар ва илмий даража берувчи илмий тадқиқот институтлар СКМдан ўқув Дастурлари ва Стандартлар ишлаб чиқишда дастуриламал сифатида фойдаланадилар. Фанлар бўйича Дастурлар ишлаб чиқишда ташқи мутахассисларни жалб қилиш, уларни қабул қилишга жиддий ва маъсулият билан ёндошиш талаб этилади. Минимал академик стандартларни қиёслашда ва улар мониторингини олиб боришда олий таълим стандарт ва дастурлари муҳим аҳамиятга эга. Имтихон, тест жараёнларига ташқаридан мутахассис ва профессор ўқитувчиларни жалб этиш, баҳолаш жараёнини ойдинлигини таъминалашга доимо катта эътибор қаратилади ва амалда унга эришилади. Бу талабаларни ўз ютуқларини объектив баҳоланишига ишончини оширади ва уларни маъсулят билан билим олишга қизиқтиради.

АКАДЕМИК СИФАТ – тегишли малакани олиш учун талабалар қай даражада яхши сифатли билим олиш имкониятига эга эканлигини англатади. Самарали таълим, уни баҳолаш жараёни, ўқитиш

ресусларининг мавжудлиги ва улардан талабалар қай даражада фойдалана олишлари мумкинлиги назарда тутилади. Олий таълим муассасаси юқори сифатли таълимни беришни кафолатлаш билан бирга, бир даражада берилган таълимни хамма талаба томонидан бир даражада қабул қилинишига кафолат бера олмайди. Шундай бўлсада, ўқитишнинг самарали таркибини, стратегиясини ва бошқариш жараёнини қуллаб, юқори натижаларга эришишга хар бир таълим муассасаси ҳаракат қилади.

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ—жараёнида олийгоҳ мунтазам равишда таълим сифатини ошириб, билимни талабаларга узатиш йўллари изланади. Такомиллаштириш жараёни таълимнинг турли босқичларида, бошқарувнинг пастдан то юқори поғонасигача, ўқитиш жараёнида, назорат ва баҳолаш механизмида маъсулият ва жавобгарлик хиссини англаган ҳолда амалга оширилиши керак. Бундай вазифалар таълим сифатига бевосита таъсир этиб, олий таълимнинг стратегик йўналишларини белгилаб беради. Сифатни оширишнинг турли усуллари СКМнинг барча қисмларида маълум йўналишларига нисбатан берилган.

Олий таълимнинг муҳимлиги ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, олий таълим тўғрисида тўлиқ маълумотларни бериш, тегишли аудиторияга мос суҳбат уюштириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида иш олиб бориш жуда муҳим.

Барча олий таълим муассасалари маълум дастур асосида тегишли малака беришда СКМда келтирилган талабларга- қатъий риоя қилишлари шарт.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ - термини ОТСНК Агентлиги томонидан классификацияланган ва маълум дастурлар асосида тегишли малака ёки илмий даража бериш учун ваколатланган муассаса тушунилади.

Олий таълим **КЛАССИФИКАЦИЯ ТАРКИБИНИНГ** 4-8 даражасига мос келувчи дастур хисобланиб, Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда ва 7-12 даража Шотландия олийгоҳларига тўғри келади.

Олий таълим муассасалари ўз ваколат доираларида ва мажбуриятлари асосида фаолият кўрсатишлари лозим. Олий таълим малакаси ва илмий даража беришга ваколатланган муассасалар рўйхати тегишли сайтларда берилган (www.gov.uk/recognised-uk-degrees/).

-Олий таълим муассасалари тегишли тармоқлар, вазирликлар иштирокида хам илмий унвонлар бериш ваколатига хам эгалар. Медицина,

юриспруденция каби соҳаларда бу қўлланади.

Малакалар бўйича Шотландия Департаменти томонидан диплом ва Миллий Олий Таълим Аттестати берилади.

Таълим муассасаси кафедра, факультет, ўқув юрти ёки муассасадан иборат. Коллеж ва мактаблар ҳам кафедра ташқил қилиши мумкин. СКМ да Дастур ибораси тасдиқланган, маълум курс, йўналишга мўлжалланган таълим мазмунини билдиради. Агар дастур бир-бирига бўғлиқ бўлмаган формал таркиблаштирилган бирликлардан иборат бўлса улар **модул** деб аталади. Ўқув предмети маълум соҳадаги билимлар мажмуасини англатади. Малака – академик стандартларга мос равишда талабанинг баҳолашлар ассосида зарурий натижаларга эришганлигини ва стандартларга мослик даражасини англатувчи иборадир.

«Малум равишда ҳимояланган талабалар гуруҳи» Тенглилик Акти (2010)га Мувофиқ Алоҳида Стандарлар ва дастурлар асосида баҳоланади.

Сифатни тامينлаш ўзи нима? Буюк Британия олий таълим муассасалари талабаларининг манфатларини ҳимоя қилган ҳолда юқори академик стандартлар асосида билим бериш жараёни ва унинг сифатини кафолатлашдир.

2-чи гуруҳ учун:

Буюк Британия олий таълим тизимининг умумий қадриятлари.

СКМ мустақил ва ўз-ўзини бошқарувчи таълим муассасалари учун зарурий бошланғич ҳужжат бўлиб таълим Дастурлари ва Стандарлари у ерда белгиланган меъзон ва кўрсаткичларга мос равишда ишлаб чиқилади. Натижада барча олий таълим муассасаларида таълим сифатининг юқори бўлишига эришилади. СКМнинг талаблари илмий текшириш институтлари ва бошқа таълимни узатиш, мулкни бошқариш билан бўғлиқ фаолият турларига тегишли эмас.

СКМнинг умумқабул қилинган қадриятлари, таълим муассасалари асосланадиган асосий ҳолатларни изоҳлайди.

- Хар бир талабага алоҳида эътибор ва ҳаққонийлик, ҳурмат билан муносабат қилиш;
- Хар бир талаба ўз қобилиятидан келиб чиққан ҳолда ўзининг таълим жараёнига ҳиссасини қўша олиш имкониятини яратиш;
- Таълим дастурларига тегишли барча ахборотлар билан талабани танишиш имкониятини бериш;
- Таълим жараёнига тегишли ўқув дастурлари ва барча жараёнлар тушунарли ва ойдин бўлиши лозим.

- Таълим жараёнининг академик стандартлари ва таълим сифатининг стратегик назорати энг юқори даражадаги раҳбарият томонидан назорат қилинади;

- Хамма ўрнатилган тартиблар ва жараёнлар мунтазам равишда ва чуқур ўрганилиши, текширилиши ва назорат этилиши зарур;

- Таълим сифати ва академик стандартларни қўллаб қувватлаш учун маълум даражада ташқи ресурсларни жалб этиш керак;

- Таълим муассасасининг барча ходимларини сифатли фаолият олиб боришини рағбатлантириш.

СКМси 4 қисмдан ва хар бир қисм боблардан иборатдир.

Боблар:

А-қисм. Академик стандартларни тасдиқлаш ва қўллаб қувватлаш;

А1-Европа ва Буюк Британияда стандартларни (ўрнатиш) тасдиқлаш йўналишлари;

А2—Илмий унвон берувчи муассасалар академик стандартлари йўналишлари;

А3—Илмий унвонларга қўйиладиган стандартлар талабларини тасдиқлаш.

Б-қисм. Академик сифатни ошириш ва кафолатлаш.

Б1-Дастурни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва тасдиқлаш;

Б2-Олий таълимга қабул, танлаш ва таълим жараёнига қуйиш;

Б3-Ўқитиш ва таълим бериш;

Б4-Талабаларни интилиш ва иқтидорларини қўллаб қувватлаш;

Б5-Талабаларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш;

Б6-Талабаларни баҳолаш ва рағбатлаш;

Б7-Таълим даражасини ташқи баҳолаш;

Б8-Дастурни ўрганиш ва мониторинг қилиш;

Б9-Талабалар хошишлари ва шикоятлари;

Б10-Олий таълимни ҳамкорликда бериш;

Б11-Илмий тадқиқот ишларида унвонлар бериш;

В—қисм. Олий таълим таклифи ҳақида ахборот.

А-қисмда 7-турдаги талаблар бўлиб, уларга тушунтириш хатлари илова қилинган; В қисм ва Б қисмнинг хар бир боби ягона талаблардан ва бир қатор муваффақиятли ва барқарор амалиёт учун кўрсаткичлардан иборат(уларга изоҳлар берилган).

МАВЗУЛАР

СМКнинг хар бир қисм ва боби умумий мавзулар ва тегишли

мавзучалар бўйича масалаларни кўриб чиқади.

- Талабалар ва тингловчиларга маълум мавзу бўйича қандай ахборот берилади;

- Тегишли мавзу бўйича талабалар фаоллигига қандай таъсир кўрсатиш мумкин;

- Тенглик ва фарқлар саволларини ҳар ерда қандай қилиб киритиш мумкин.

- Мавзуда турли талабалар томонидан ташкилотининг эҳтиёжлари қандай кўрилган;

- Тегишли мавзуга нисбатан турли илмий унвон ва малака берувчи муассасаларнинг маъсулияти қандай фарқланади.

- Мавзуга тегишли саволлар 4 маъмурий ҳудудда қандай фарқланади.

- Мазкур СМКнинг боблари мазмуни Европа Олий Таълим тизимининг стандарт ва сифат талабларига қай даражада мос келади.

Ижобий тажриба ва такомиллаштириш йўналишлари қай даражада мавзуга мос ёки тегишли.

Хозирги вақтда Буюк Британияда жуда кўп мустақил олий таълим муассасалари пайдо бўлмоқда. Буюк Британия олийгоҳларида таълим олаётган талабалар таркиби ҳам кенгайиб бормоқда. СМК академик стандартларни бошқариш бўйича барқарор тамойилларга ва амалиётга таянади. Маълум таълим муассасаларида олийгоҳ миссиясидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилади. Талабаларга сифатли таълим стандартлари ва дастурлари асосида сифатли ўқитиш жараёни кафолатланади. Шунингдек, СМК олий таълим муассасаларининг сифатини назорат мезони бўлиб ҳисобланади. Таълим муассасаларини баҳолаш, уларнинг СМК Талабларига мослигини аниқлаш йўналишларини белгилайди.

2.2. Сифат Қоидаларининг мажмуасининг Буюк Британиянинг 4та маъмурий ҳудудда қўлланиши.

СКМ Буюк Британиянинг бутун майдонида бирдек кучга эга бўлиб олий таълим секторинг маълум даражадаги интеграцияси ва бўғлиқлигини акс эттиради. Аммо лекин, бази холларда бу Қоидалар мажмуаси бази худудларда айрим ўзгартиришлар киритиб қўлланилади, масалан Шотландияда, УЭЛБС ва Шимолий Ирландияда олий таълим сиёсати Буюк Британиянинг парламенти ёки ассамблеяларга ваколатланган. Натижада Олий таълимга тегишли сиёсий масалалар, хусусан ўқиш учун тўлов, хомийлик шунингдек бошқарув масалари турлича бўлиши мумкин.

Шотландия каъбий таълимида олий таълим.

Шотландияда олий каъсбий малаканинг асосий шакллари бўлиб малакавий аттестатлар ва Миллий Олий Таълим Дипломлари ҳисобланади. Бу малакаларнинг аксарият қисми Шотландиянинг малакалар бўйича Департаменти тассаруфида бўлиб, бу малакаларнинг академик стандартлари учун бевосита жавобгарликни ўз зиммасига олган. Бундан ташқари Молиялаштириш бўйича Шотландия кенгаши Шотландия таълим бўлими билан шартнома имзолаган ва олий таълимнинг кейинги ривожланиши учун маблағ ажратади.

Шунинг учун, Шотландияда сифат Қоидалари мажмуаси олий таълим муассасида у ёки бу малакани олиш мақсадида қўлланилади. Олий таълим Касбий таълим коллежлари томонидан ҳам бералиди. СКМнинг талабларига асосан талабарга сифатли таълим бериш ва академик сатндарларга мос келиш агентлик томондан рағбатлантирилади.

Кириш курси сифатини таъминлашда СКМни қўллаш.

Агар талабалар олий таълим квалификацияси таркибининг 4-8чи даражаларида малака ёки академик унвон олиш учун ўқиётган бўлса (Англия, Уелс ва Шимолий Ирландия) ёки Шотландиянинг малакалар квалификацияси таркибининг 7-12чи даражасида таълим олаётган бўлса СКМнинг талаблари қўлланилади. Кириш курслари одатда йиллик дастурлар, таёрлов дастурлари шаклида ишлаб чиқилади. Агар кириш курси алоҳида бўлиб олий таълимнинг бошқа дастурлари бўғлиқ бўлмаса у СКМ Қоидаларига мос келмаслиги ва бошқа стандартлар орқали тартибга солиниши ва ишлаб чиқилиши мумкин. Илмий унвон беришда Халқаро даражада малум фанлар доирасида илмий кенгашлар ташкил қилиниши ва тегишли Стандартларга асосан илмий иш натижалари халқаро экспертлари томонидан баҳоланиши мумкин. Бу ҳолда алоҳида қонуний ва тартибга солувчи схемалардан фойдалинилади.

3-чи гуруҳ учун:**3.1. Буюк Британия олий таълим тизимининг Сифат Қоидалари Мажмуаси**

1997 йилда Сифат Қоидалари Мажмуаси Академик инфра-структурасининг ўрнига қабул қилинди. Бу ўзгартиришлар йўналишлари Агентликнинг мутахассислари ва олий таълим вакиллари, Олий таълимни ўрганиш миллий Комитетининг таклиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Олий таълимни ўрганиш Миллий Комитетини Лорд Диринг бошқаради. Турли баҳолар, фикрлар ва маслаҳатлар асосида Сифат Қоидалари Мажмуаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бакалавр ва магистр малакасини, ҳамда илмий унвон берувчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари учун СКМда баъзи фарқлар мавжуд бўлиб, «илмий унвон таъсис этувчи ташкилот» каби эслатмалар киритилган ва уларга қўйиладиган талаблар олий таълим муассасалариникидан фарқ қилади.

СКМ Буюк Британиянинг барча олий таълим муассасаларида малакавий академик стандартлар ва ўқитишнинг сифатини таъминлашга ёрдам бериб, уларнинг стратегик йўналишларини белгилашга асос бўлиб хисобланади. Барча олий таълим муассасаларидан кутиладиган самарани, мутахассисларни рақобатбардошлигини таъминлашни СКМ талаб этади. Хар бир таълим муассасаси СКМ тамойилларига асосланиб ўзининг мустақил ички назорат тизимини ишлаб чиқиши мумкин. Бу билан у ўзининг академик стандартлари ва таълим сифатини унинг самарасини таъминлайди.

Ўқитиш сифати ва стандартларга маъсул мутахассислар таркиби.

СКМ мутахассислар учун техник қўлланма бўлиб, олий таълим муассасалари академик стандартлари ва ўқитиш сифатини маълум даражада таъминловчи ҳужжатдир. Буюк Британия олий таълим тизимининг стратегияси ва тараккиётини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Олий таълимнинг кенг мутахассислар доираси

Факультет ёки кафедрада фаолият олиб боровчи хар бир профессор ўқитувчи СКМ стратегияси билан таниш бўлиши, унинг мажбуриятлари ва вазифалари доирасида ундан қўлланиши лозим. ОТМнинг бошқа мутахассислари ўз фаолиятларига тегишли қоидаларга кўра иш тутишлари лозим.

Талабалар.

Талабалар ва талабалар жамиятлари учун СКМни билиш жуда мухим бўлиб, улар мунозара ва бахсларда таълим сифатига қўйиладиган минимал талаблар ҳақида уз фикрларини билдиришлари, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар беришлари мумкин.

Талабалар ва тингловчилар.

СКМ Буюкбританиянинг барча таълим маконида таълим сектори натижаларини қиёслаш ва бир сифат даражасига келтириш учун мухим асос бўлиб ҳисобланади. Талабаларга таълим сифати кафолатланади. Олий таълим тизими билан кенг доирада қизиқувчилар учун Агентлик Талабалар Миллий Иттифоқи билан ҳамкорликда қўлланма ишлаб чиқди. Унда талабалар манфаатларини ҳимоя қилиш, академик стандартларни ишлаб чиқишга таъсир этувчи омиллар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

3.2. Хомий ташкилотларнинг олий таълимдаги ўрни.

Хомий ташкилотлар - олий таълим тизимини Қонуний даражада баҳолашда иштирок этишлари мажбурий бўлиб (Шотландияда эса, такомиллаштиришда ҳам), ўзлари молиялаштираётган муассасани текширишда қатнашадилар. Хомий ташкилотлар Агентлик билан тузилган шартномага кўра текширув жараёнларида қатнашадилар. Агар назорат ўтказилган олий таълим муассасасида академик стандартларнинг сифат кўрсаткиларига мос келмаслик аниқланса, хомий ташкилот санкция қўйишга мумкин. Хомий ташкилотлар бўйича қўшимча маълумотларни сайтларда доимий равишда келтириб борилади.

- ✓ Олий таълимни Молиялаштириш бўйича Англия Кенгаши;
- ✓ Олий таълимни Молиялаштириш бўйича Уэльс Кенгаши;
- ✓ Молиялаштириш бўйича Шотландия Кенгаши;
- ✓ Шимолий Ирландия иш билан таъминлаш ва ўқитиш бўлими.

Тенг ҳуқуқлилиқ ва турлилиқ.

СКМси тенг ҳуқуқлилиқ ва турлилиқ борасида хилма-хил масалаларни ўз ичига олган ҳолда ёндошади. Тенг ҳуқуқлилиқ деганда барча таълим олувчиларга, таълим берувчиларга бир хил ҳурмат ва эъзозлаш асосида муносабатда бўлиш назарда тутилади. Миллатларнинг келиб чиқиши, ирки, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, уларга бир даражада муносабатда бўлиш. Ўқитишнинг инклюзив муҳити ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларга тенг

имкониятларни яратади, мумкин бўлганда инклюзив моделларни ҳар бир шахнинг индивидуал қобилиятларига мослаштиради.

Тенг ҳуқуқлилиқ ва турлилиқга ёндошиш қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

1. Таълим олиш учун тегишли шароитларнинг йўқлиги, одамларнинг маълум гуруҳларга мансублиги натижаси эмас, балки атроф муҳит билан бўғлиқ ижтимоий барьерларнинг мавжудлигидандир.

2. Ҳеч бир талаба узининг келиб чиқиши ёки маълум талабларига қура камситилишига йўл қўйилмайди.

Бу тамойилларга риоя қилиш амалда қуйидагиларни билдиради.

✓ Олий таълим муассасалари талабани маълум ижтимоий жамият ёки талабалар ҳаётига тегишли тадбирларда иштирокига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўради.

✓ Ўрта бўғин раҳбариятидан то олий раҳбариятгача тенгликни таъминлашга, инклюзив сиёсатни ривожлантиришга интилишлари лозим. Бу сиёсат ҳар бир талабани билим ва тажрибасини оширишга қаратилган бўлиши керак.

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш мавзуси бўйича саволлар:

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш қандай шакллантирилган?

- _____
- _____
- _____

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш тизимининг авзалликлари?

- _____
- _____
- _____

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш тизиминингкамчиликлари?

- _____
- _____
- _____
- _____

2- МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИШ, УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШДА КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, БИЗНЕС ИНКУБАТОРЛАР ВА ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Режа:

2.1. Олий таълим тизимида илмий тадқиқот, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ахборот технологиялардан фойдаланиш ва таълим тизими менежментини ривожлантиришда амалга ошириладиган асосий масалаларда кадрлар буюртмачилари билан алоқалар.

2.2. Буюртмачилар билан ҳамкорликни ташкил этишнинг иқтисодий механизми ва такомиллаштириш йўллари.

2.3. Олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш ва маркетинг хизматларини йўлга қўйишдаги ҳамкорлик масалалари.

2.1 Олий таълим тизимида илмий тадқиқот, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ахборот технолигилардан фойдаланиш ва таълим тизими менежментини ривожлантиришда амалга ошириладиган асосий масалаларда кадрлар буюртмачилари билан алоқалар.

Фундаментал тадқиқот академик институтларда, олий ўқув юртлирида, тармоқларнинг ихтисослашган институтларида ва лабораторияларида ишлаб чиқилган концепциялар ва назариялар ҳисобланади. Фундаментал тадқиқотлар асосан қайтарилмаслик асосида давлат бюджети томонидан молиялаштирилади. Амалий характердаги тадқиқотлар - машиналар ва асбоблар, махсус муаммоларни ҳал қилиш, имкониятларни баҳолашдир. Тадқиқотлар амалий йўналишга эга барча илмий ташкилотларда амалга оширилади ва ҳам бюджет ҳисобидан (давлат илмий дастурлари), ҳам ушбу лойиҳалар буюртмачиси ҳисобига молиялаштирилади. Тажриба конструкторлик, экспериментал ишлаб чиқаришлар асосида амалга оширилади. Улар ҳам ихтисослашган лабораториялар, конструкторлик бюрolariда, тажриба ишлаб чиқариш корхонасида, йирик саноат корхоналарининг илмий ишлаб чиқариш бўлимларида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- олимлар, профессор-ўқитувчилар таркиби, докторантлар, аспирантлар, изланувчилар, инженер-техник ходимлар, магистрант ва талабалар иштирокида бажарилган илмий тадқиқотлар натижалари;

- илмий фаолиятга ва таълим жараёнига татбиқ этиш учун мўлжалланган

дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий ва бошқа турдаги қўлланмалар;

- илмий ва илмий-педагогик кадрлар – магистр, фан номзоди ва докторлари тайёрлаш;

- монографиялар, мақолалар, тезислар, турли тўпламлар, маърузалар ва ҳ.к. чоп этиш;

- ихтиролар учун патентлар ва компьютер дастурлари учун гувоҳномалар олиш;

- техник қурилма ва ускуналарнинг намуналарини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот натижаларининг энг асосий жабҳаларидан бири – юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишидир. Олий таълим муассасаларининг илм-фан самарадорлигига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув-фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқиладиган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири - компьютер технологиялари анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнида жорий этила бошланганлигидир. У ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича бу технологияларга йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди. Таълим технологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар кўп хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди. Компьютер техникаси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Таълим жараёнида ахборот технологияларини амалга оширилиши қуйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

-таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;

-таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;

-таълим-тарбия жараёнида янги ўқув-техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

Бугунги кунда турли оптик хотирловчи қурилмалар (видеодисклар, оптик дисклар) кенг тарқалди. Улардан фойдаланиш матнли график ахборотни бир вақтда биргаликда ёзиш имконини беради, шу билан бирга уни қайта тиклашда юқори сифатли тасвир пайдо бўлади. Йўлдошли алоқа

тизимлари. Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошидаги ретренсляторларни ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб, бу тизимлар компьютерлар орасидаги алоқани амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ҳамда телевидение дастурини узатиш учун ишлатилмоқда.

Ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш омиллари компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўналишини ҳам ривожлантириб бориш заруриятига боғланади. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларида яратилиши лозим.

Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари – бу ахборотни тайёрлаш ва уни таълим олувчига узатиш жараёни бўлиб, унинг амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни:

- ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, уларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги ва етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;

- ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва махсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ва кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимида ҳам фойдаланиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш бўлмоқда

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида уларнинг иккаласидан бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради. Буларнинг ҳаммаси эса ўқитувчи(педагог)ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини

ўзгартиришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, таълим тизими мазмуни, уни ташкил этиш шакллари ҳамда сифатини ошириш борасида катта ижобий натижалар бермоқда. Биз биламизки, ўқитувчиларнинг анъанавий ўқитиш усулида лаборатория ва амалий ишлар ўтказилишига кўп вақт ажратилади. Бу мутахассис тайёрлашнинг жуда муҳим таркибий қисмидир. У нафақат ўқувчи-талабанинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширишга, балки муайян соҳада амалий кўникмаларни ҳосил қилишга ҳам кўмак беради.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, янги тизим мутахассис кадрларини тайёрлаш учун муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, педагогик услубни жорий этишда ҳамкорлик ишларини амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз. Бунинг учун лаборатория стендлари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ учун корхоналарни ўқув базаларида ўтказилиши лозим.

Бугунги кунга келиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида виртуал стендлардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Ўқувчи - талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради. Виртуал стендлар ҳар бир ўқувчи-талаба учун техникага ўзининг кириш параметрларини «буноришга», ўз билимларини назорат қилишга имкон беради. Лаборатория ишини ўтказиш, уни зарур тартибда тушуниш билан боғлиқ вақтдан йўқотиш эса компьютер самараси ҳисобига камайтиради. Бунда, айниқса, замонавий жиҳозлар ва аппаратларни харид қилиш, уларни барча таълим муассасаларида тақсимлаш билан боғлиқ катта миқдордаги молия захираларининг тежаб қилиниши муҳимдир. Замонавий ахборот технологияси бўлган оддий компакт дискка ўнлаб, баъзан эса, юзлаб лаборатория ишларини жойлаштириш мумкин. Энди эса бир дона шундай виртуал лаборатория стенди неча марта арзонга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, улар билан бирга таълим муассасаларини ялпи таъминлаш мумкин. Агар уларда Интернетга уланган компьютер тармоғи бўлса, ундан ҳам яхши бўлади. Бундан шуни кўриш мумкинки, виртуал стендлар кўпроқ қўлланса, шундай сарфларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Биз ўқитишнинг ташкилий шакллари, замонавий ахборот технологиялари ҳамда турли таълим масканларининг ўқув имконига эга бўламиз. Бу эса маълум даражада турли муассасалар мутахассислари билан

хамкорлик ишларини бажариш имконини таъминлайди. Демак, таълим жараёнида виртуал стендлардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширибгина қолмай, балки улкан молия захираларини тежашга имкон беради ҳамда хавфсиз, экологик тоза муҳитни яратади. Виртуал стендлар жорий этилиши таълим, ишлаб чиқариш, бошқа давлат муассасаларининг умумий ёндашувини талаб қилади. Виртуал ўқитиш стендларини, айниқса, қимматбаҳо жиҳозни харид қилишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Бу ходимларни маҳаллий шароитда ўқитишга, таълим олувчиларни хориж мамлакатларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб жўнашининг олдини олишга имкон яратади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши қуйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятларини, янги материални ўзлаштириш суръатини, қизиқиш ва майлларини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;

- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишлари ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

- таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлик ходисаларини комплекс ўрганиш;

- таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш;

- барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш;

- таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

2.2. Буюртмачилар билан ҳамкорликни ташкил этишнинг иқтисодий механизми ва такомиллаштириш йўллари.

Бугунги кунда, таълим тизимида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи кенг меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд. Булар кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури талабларидан келиб чиқиб, таълим тизимининг устувор йўналишларидан бири унинг сифати ва таълим олиш имкониятларини ошириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш саналади. Таълимни маблағ билан таъминламай, узлуксиз таълим тизимини ислоҳ этишда, малакали кадрлар тайёрлашда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлашда молиявий бошқарувни тубдан ислоҳ этиш йўлида, олий таълим тизимида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг асосийси, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш учун таълим тизимини бошқаришда молиялашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурдир.

Ҳозирги кунда иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш усул ва шакллари кенгайтириш бўйича ишлар олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртларининг кўшимча бюджетдан ташқари молиявий таъминлаш манбаларини жалб этиш бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Таълим хизматлари:

- давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасида (турли мулк шаклига эга корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатлар учун шартномалар бўйича) мутахассисларни тайёрлаш;

- давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасидан ташқарида (кўшимча таълим дастурлари, махсус курслар ва тайёрлов цикллари; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг турли шакллари, тайёрлов курслари, консультатив хизматлар).

2. Илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш хизматлари турли корхоналар ва ташкилотлар билан қўшма фаолият, интеллектуал салоҳиятни рўёбга чиқариш).

3. Ташқи иқтисодий фаолият (хорижда халқаро давлатларда олий таълим муассасининг филиалларини очиш, ўзаро манфаатли қўшма илмий фаолият олиб бориш ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш).

4. Ўқув ишлаб чиқариш лаборатория, устахона, цех ва бошқалар фаолияти.

5. Ўқув хўжаликлари фаолияти (бизнес-режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, молиявий муҳандислик, менежерлик, бухгалтерлик ва бошқалар).

6. Ахборот таъминоти ва хўжалик фаолияти (нусха кўчириш, адабиёт танлаш бўйича кутубхона хизматлари, китобларни йўқотиб қўйганлиги ва узоқ муддат фойдаланганлиги учун пенялар; ўқитувчилар, ходимлар,

талабаларга турли хил хўжалик хизматлари кўрсатиш; олий ўқув юрти турар жойи фонди ва талабалар турар жойларидаги хизматлар).

Корхоналар, идоралар ва ташкилотлар, шунингдек, турли хайрия фондлари, васийлик кенгашлари, битирувчилар ассоциациялари ва хайрия асосида реал молиявий ва моддий мадад бериш билан шуғулланувчи бошқа жамоат ташкилотларининг хайрия бадаллари (Камолот ЁИХ, LG гранти ва ҳ.к.лар).

Юқоридагилардан ташқари, таълим хизматлари соҳасида:

- пулли қисқа муддатли семинарлар ташкил қилиш;

Илмий-ишлаб чиқариш фаолиятида:

- хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишлари;

- консалтинг ва маълумотнома-ахборот фаолияти;

- тармоқларда юқори технологияни жорий қилиш билан боғлиқ татбиқий фаолият;

- ҳукумат муассасалари, бошқарувнинг ҳудудий идоралари ёки тижорат тузилмаларининг буюртмасига кўра фанлараро тадқиқотлар;

- кичик ва ўрта бизнесга илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш;

- илмий-техникавий парклар ва янгиликлар инкубаторийларини ташкил этиш;

- тижорат ва хўжалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқка тартибдаги шартнома бўйича илмий ишлар олиб бориш;

- олий таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтироларига патент ва лицензия сотиш;

- тижорат фирмалари ва корхоналар билан илмий тадқиқот марказлари ва лабораториялари ташкил қилиш;

- чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузиш;

- тўлов асосида илмий-амалий конференциялар ташкил этиш;

Ташқи иқтисодий фаолиятда:

- чет эллик талабалар, стажер-илмий-тадқиқотчилар, магистрлар ва илмий изланувчилар таълимини ташкил этиш;

- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда факультетлар ташкил этиш;

- хорижий шериклар билан қўшма корхоналар тузиш;

- чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш программаларида қатнашиш;

- Ўзбекистон талабаларини чет эл олий таълим муассасаларига юбориш;

- турли хил чет эл инвестициясини жалб этиш.

Юқоридаги санаб ўтилганлар, таълим муассасаларида жорий қилиш

мумкин бўлган таълим хизматлари келажакда, албатта, амалиётда жорий қилинади. Ушбу хизматлар рўйхатини янада ривожлантириш, давом эттириш ўз қўлимизда. Шу боис, мақсадимиз битта- олий таълим муассасалари, қолаверса республикамиз бюджетини иқтисодий-молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, олий ўқув юртларида кўрсатилаётган таълим хизматлари сони ва сифатини кўтариш ва инновацион фаолиятини жорий қилиш ҳисобидан бюджетдан ташқари маблағлар тушумини кўтаришга хизмат қилишдан иборат.

Олий таълим фаолиятининг такомиллаштириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун 15-20 йилдан кейин дунё миқёсида ва Ўзбекистондаги ҳаётнинг барча жабҳаларида иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда, демографик тизимда, ўзгаришларни илмий асосланган башоратини аниқлаб олиш ва шунга мувофиқ база яратиш зарур.

Дунё мамлакатлари каби бизнинг республикамизда хизмат соҳасини янада ривожланиши ва айнан таълим соҳасининг олий маълумотли мутахассиларнинг ҳиссалари ошиши кутилмоқда. ХХІ асрнинг бошларида Россияда аниқ фан соҳалари муҳандисларга ва инфорацион технологияларга, дастурчиларга, космонавтика, медицина техникаси, нефт ва газ, уларни қайта ишлашга доир мутахассилар ҳамда лазер соҳасида фаолият кўрсатаётган олий маълумотли мутахассисларга талаб кескин орта бошлади. Ушбу ҳолат Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Иқтисодий таълим соҳасида маркетинг - менежмент, ахборот технологиялари, енгил саноат учун муҳандислар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш соҳага доир қатор янги олий таълимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш заруриятини яратди. Демак олий таълимдаги маркетинг фаолияти ҳам ана шу ўзгаришларга мос равишда фаолият олиб бориши бугунги давр талабига айланмоқда.

Бугунги кундаги ўта муҳим масалалардан бири бу назарияни амалиётга яқинлаштиришдир.

Замонавий техника ва технологияларни олиб келиш учун инвестицияларни жалб қилиш ва улар билан самарали ишлай оладиган кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун, яъни олий маълумотли мутахассислардан самарали фойдаланиш ҳамда давлат маблағларини таълимга мақсадли йўналтириш учун, аввало қуйидагилар зарурдир:

- олий маълумотли кадрларнинг (магистратура ихтисосликлари рўйхати ва бакалавриат таълими йўналишлари) олий маълумотли мутахассислари билан тўлдирилиши лозим бўлган лавозимларнинг талабалари мос келишлик

даражасини белгилаш, яъни мутахассислар етиштиришнинг иқтисодиёт соҳаларидаги лавозимлар билан мутаносиблиги;

- таълим йўналишлари бўйича, янги классификаторда қабул қилинган умумий ва қўшимча эҳтиёжларни аниқлаш, умумий эҳтиёжларга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик соҳа меъёрларини ишлаб чиқиш;

- тармоқнинг кенгайтирилиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жиҳатдан такомиллаштирилиши билан боғлиқ мутахассисларга бўлган эҳтиёжни белгилаш. Бунда турли сабаблар – авлодлар алмашинуви, миграция, ходимлар қўнимсизлиги ва бошқалар бўйича камайиш даражасини албатта ҳисобга олиш лозим бўлади;

- эҳтиёжни ОТМлар, минтақалар, бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари ҳамда олий таълимнинг ихтисосликлари бўйича талабалар қабули билан мутаносиблигини таъминлаш, яъни олий таълимнинг ҳар бир йўналиши бўйича эҳтиёжларни ҳисоблаб чиқиш (бу Классификатор, малакавий тавсифлар ва Давлат стандартига мувофиқ амалга оширилади);

- олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги эҳтиёжни белгилаш бўйича тармоқлар методикасини яратиш.

Тузилмавий силжишлар асосида мутахассисларга бўлган талабни башоратлаш мулк ва хўжалик юритишнинг айрим шакллари устиворлиги ҳамда ривожланишни ҳисобга олиб, тармоқлар ва минтақалар иқтисодиётидаги тузилмавий қайта қуришлар асосий йўналишларни аниқлаш негизига қурилади. 10-15 йиллик даврга башоратлашнинг жиддий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши лозим:

- иқтисоднинг, айниқса саноатнинг энг муҳим йўналишларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш динамикасининг кучайиши;

- бандлик тизимида юз бераётган ва кутилаётган йирик ўзгаришар (моддий ишлаб чиқаришнинг аънавий тармоқларидан ходимларни бозор инфратузилмаси тармоқларига ва хизмат соҳасига қайта тақсимланиши);

- хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ўсиши (бу бизнес, маркетинг, молия ва ҳисоб-китоб соҳасида мутахассисларга талабни ошишига олиб келади).

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўзда тутилган таълим хизматларига, моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мунтазам мониторингини ва уларга бўлган талаб ҳамда таклифни башоратлаш кенг қамровли вазифа бўлиб, у мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганишни талаб этади:

- республика, вилоят, иқтисод тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналишлари миқёсида;

- малака (бакалаврлар, магистрлар) ва таълим (олий, олий таълимдан кейинги) даражаси бўйича.

Бунда тадқиқотнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш лозим:

- ижтимоий тадқиқотлар;

- Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлардаги таълим хизматларининг қиёсий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари имкониятларини ўрганиш (миқдорий, йўналишлар спектори ва мавжуд меъра билан боғланган таълим ихтисосликлари);

- техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюктураси билан боғлаб кадрларга бўлган талабни моделлаштириш;

- меъёр ва меъерий хужжат асосида кадрларга бўлган талабни башоратлаш;

- олий таълимнинг аҳволи ва ривожланиш мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;

- аҳоли бандлигини баҳолаш асосида кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш;

- тегишли маълумот олишга бўлган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини белгилаш;

- соҳаларда алоҳида-алоҳида кадрларга бўлган эҳтиёж қонуниятларини ўрганиш, бу олий маълумотли мутахассисларга республика иқтисодиёти барча соҳалардаги эҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

Юқорида келтирилган кичик тизимларнинг ўзи анча мураккаб тузилмадан иборатдир, чунки масалан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизими қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- талабнинг таълим олишга лаёқатини ва ОТМнинг мутахассисларни ўқитиш учун имкониятларини ўрганиш;

- кадрларни ўқитишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун ОТМ маркетинг бўлимлари ишини такомиллаштириш;

- таълим мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

- мазкур мақсадларга эришиш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш;

- мутахассислар тайёрлаш дастури турли тизимлари учун меърий хужжатлар ва стандартлар яратишни қамраб олади.

Маълумки, таълим жамият ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Қандай соҳада бўлмасин, юқори билимга эга мутахассислар илмий-тадқиқот ишланмалари билан шуғулланиш, янги маҳсулот турларини яратиш ва технологияларни ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Жаҳондаги

глобаллашув жараёнлари ва компаниялар ўртасидаги мавжуд чуқур рақобат муҳити мутахассисларни ҳам фавқулодда шунга тайёр бўлишларини талаб этади. Улар нафақат ўз ғояларини ривожлантириш ва яратилган назарий моделларини амалда жорий этиш учун қулай шароитларни таъминлайдилар, шу билан бирга, иқтисодийнинг инновацион ривожланиши учун ҳам муҳим интеллектуал омил ҳисобланадилар.

Бугунги кунда жаҳонда технологиялар ва ахборотлаштириш жараёнларининг ривожланиши даврида юқори малакали кадрларни эгаллаш ва ёллаш учун компаниялар ўртасида рақобат кураши бирмунча ошди. Бу нафақат тижорат ташкилотларига, балки илмий-тадқиқот марказлари, ўқув юртларига ҳам тегишлидир. Шундай экан, замонавий таълим сифати тўғрисидаги масала биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ҳисобланади. Айнан, ОТМлар келгуси мутахассисларнинг аниқ касбий соҳасида билимларини шакллантиради.

ОТМ томонидан таклиф этилган таълим хизматлари сифати аккредитация бўйича давлат органларининг расмий баҳолаш ўтказиши асосида амалга оширилади. Битирувчиларнинг билим натижалари эса иш берувчилар томонидан баҳоланади. Бироқ аниқлаш лозимки, қайси асосий омиллар таълим жараёнига таъсир кўрсатади? Албатта, бу таълимни молиялаштириш, қулай шароитларни яратиш, ОТМнинг юқори ривожланган ташкилий таркибининг мавжудлиги, юқори даражада техник куролланганлик ва бошқалар ҳисобланади. Бироқ талабаларнинг юқори билим даражасини таъминловчи энг муҳим аҳамиятли ресурс – педагогик кадрлар ҳисобланади. Уларнинг малакаси, касбий даражаси, педагогик маҳорати, коммунистликлиги, фанни ривожлантиришда қўшган ҳиссаси ва бошқа кўплаб омиллари келгусида битирувчилар билимини юқори даражада таъминлаш имконини беради. Айнан шунинг учун ўқув юрти раҳбарияти педагогик ходимларнинг аҳамиятга эга ролини ошириши ва уларни самарали бошқариш усулларини такомиллаштириши зарур. Шундай экан, бу ҳолат ўқув юртларининг барча фаолият турлари билан чамбарчас боғлиқдир. ОТМда педагогик кадрларни бошқариш сифатини таъминлашга эътиборни қаратиш, улар билан ўзаро алоқадорлик самарадорлигини ошириш, ҳамда фаолияти натижаларидан манфаатдорлигини таъминлаш зарур.

Олий таълим муассасалари мамлакат ривожланишига хизмат қилади. Интеллектуал ресурсларнинг юксак даражасига асосланувчи технологияларнинг тараққий этиши ва ушбу ресурсларга эгалик қилишни истаган давлатларнинг рақобати XXI асрда нафақат иқтисодий томондан, балки ижтимоий ва сиёсий юксалишнинг асосий омилли бўлиб хизмат

қилмоқда. Дунё мамлакатларидаги энг юқори рейтингга эга олий таълим даргоҳларини қараб чиқадиган бўлсак, уларнинг барчаси ривожланган давлатлар ҳудудида жойлашган ва таъкидлаш лозимки, улар ўз мамлакатларининг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Улар томонидан тарбияланган мутахассисларга меҳнат бозорида юқори талаб бўлиши билан бирга, дунё аҳамиятига эга кашфиётлар ва тадқиқотларнинг салмоқли улуши айнан ушбу университетларга тўғри келади.

Ҳозирги вақтда ОТМларида таълим тизимининг шаклланиши янги инновацион шароитларга ва иқтисодиёт талабларига мувофиқлигини таъминлашга барча олий ўқув юртлари амалда ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда, мамлакатимизда персонални бошқариш сифати соҳасидаги сиёсат ҳам кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Мутахассислар тайёрлашга маркетинг ёндашув – бу истеъмолчиларга йўналтирилган бўлиб, келгусида иш берувчилар томонидан муайян мутахассисликларга бўлган талабни шакллантиради. ОТМларда мазкур тамойиллар корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, бошқарувнинг юқори звеносига ишонч сифатида ҳам, таълим тизимини бошқариш усулларида бири сифатида ҳам раҳбарларнинг лидерлигига олиб келиши мумкин. Аҳамиятли жиҳати, айнан ОТМда ўқув жараёни сифатига таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб ҳисобланади.

ОТМларга шундай бозор омиллари таъсир кўрсатадики, биринчидан, корхона ва ташкилотлар томонидан битирувчи мутахассисларга талаб шаклланса, иккинчи томондан, абитуриентларнинг олий ўқув юртига кириш учун шарт-шароитлари шаклланади. Шунга кўра, ўз навбатида, ўқув юрти касбий соҳада зарурий таёргарликка эга битирувчилар билан таъминлаш бўйича меҳнат бозорига ва истеъмолчиларга таъсир кўрсатади.

2.3. Олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш ва маркетинг хизматларини йўлга қўйишдаги ҳамкорлик масалалари.

Ҳозирги даврда халқаро ҳамкорлик масалалари энг долзарб муаммоларга айланди. Бугунги тобора глобаллашиб бораётган замонда ўзаро интеграция жараёнлари янада кучайиб бормоқда. Дунёда турли халқлар ва миллатлар мавжуд экан улар ўртасида доимо иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, илмий ва бошқа муносабатлар бўлади. Бундай муносабатларнинг шаклланиши тарихнинг узоқ даврларига бориб тақалади. Давр руҳидан келиб чиққан ҳолда улар ўзгариб турган. Бугунги кунда ҳеч қайси миллат ёки

давлат алоҳида изоляцияда яшай олмайди. Тараққий этишни истаган ҳар бир субъект бошқалар билан ўзаро ижтимоий алоқаларга киради. Шундай экан мамлакатимизда ва халқаро майдонда бундай масалаларни тўғри ҳал этиш, уларнинг механизмларини ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида биноан қуйидагилар назарда тутилади:

– соҳада ДХШни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат ОТМ фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50%дан ошириш;

– Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш, уларни Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities ТОП-500 рўйхатига киритиш, шунингдек республикадаги камида 10 та ОТМни ушбу рейтингларнинг ТОП-1000 рўйхатига киритиш;

– ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимида ўтказиш, илғор стандартларни жорий этиш, жумладан, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтиш, ОТМнинг академик мустақиллигини таъминлаш;

– ОТМда таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

– ОТМда технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш;

– мамлакатимиз олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантириш;

– халқаро ҳамкорликни, шу жумладан профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Концепция босқичма-босқич амалга оширилади – тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланади.

ОЎМТВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида Республика олий таълим кенгаши ташкил этилди. Бу ташкилий, таҳлилий ва маслаҳат вазифаларига

эга ННТдир. Унинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар соҳа вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида икки марта кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, Кенгаш ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чорақда Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

Давлат ОТМ раҳбарлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафарига чиқишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Бўйсунуви бўйича вазирлик ва идорани хабардор қилиш, ОТМ сайтида асосий маълумотларни (*мамлакат номи, таширф мақсади ва режаси*), сафар натижалари юзасидан эса – ОТМ кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисоботни жойлаштириш лозим. Бу ДХХ, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, ИИВ, Мудофаа вазирлиги ва ДБК тизимидаги ОТМларга тегишли эмас.

Ҳаракатлар стратегиясида хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган. Мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган турдош ташкилотлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрнатиш ҳамда изчил ривожлантиришга қаратилган ишларни тизимли амалга оширади.

Бу борадаги ишлар халқаро ҳамжамиятда республиканинг нуфузи ва мақомини янада юксалтириш, хорижий мамлакатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб боришда устувор вазифалари сифатида белгиланган.

Олий таълим муассасаларидаги маркетинг хизматлари бўлимларига қўйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- Таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини узлуксиз амалга ошириш, таълим хизматларига қўйилган, яъни бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг касбий маҳоратини (малакавий сифатларини) ўрганиш ҳамда уларнинг иш берувчилар (истеъмолчилар) талабларига мувофиқлигини аниқлаш.

- Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим хизматлари бозори ва конъюктурасига таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар ўртасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш.

- Битирувчиларни олдиндан ишга тақсимлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

- Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларга талаб ва таклифлар нисбатини ўз ичига олган ҳолда ишга тақсимлаш объектлари – таълим хизматлари истеъмолчиларини аниқлаш ва улар тўғрисида тўлиқ маълумотлар банкни яратиш;

-Битирувчилар ҳақида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат гранти ва тўлов-шартнома бўйича маълумотлар банкни яратиш;

-Талабалар қабули кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида иш берувчиларнинг мутахассисларга бўлган талаблари бўйича жорий ва истиқболли «буюртмалар портфели»ни шакллантириш.

Шаклланган ушбу тизим битирувчиларнинг меҳнат бозорига кириб боришда амалий натижалар бермоқда. Таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини узлуксиз амалга ошириш, таълим хизматларига қўйилган, яъни бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг касбий маҳоратини (малакавий сифатларини) ўрганиш ҳамда уларнинг иш берувчилар (истеъмолчилар) талабларига мувофиқлиги аниқлаб борувчи индикаторларни яратиш лозим.

Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим хизматлари бозори ва конъюнктурасига таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар ўртасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш асосида битирувчиларни олдиндан ишга тақсимлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш борасида мутахассислик кафедралари мудирлари, магистратура бўлими бошлиғи билан ҳамкорликни ошириш керак.

Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларга талаб ва таклифлар нисбатини ўз ичига олган ҳолда ишга тақсимлаш объектлари – таълим хизматлари истеъмолчилари (иш берувчи корхоналар, турли мулкчилик шаклига эга бўлган ташкилотлар - давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва ҳ.к.) тузилмасини баҳолаш, географик жойлашини аниқлаш ва гуруҳлаш, потенциал имкониятларини ташҳис қилиш орқали тўлиқ маълумотлар банкни яратиш ишларини сифатини ошириш керак. Хар йили битирувчилари ҳақида (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат гранти ва тўлов-шартнома бўйича фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган ҳолда) маълумотлар банкни яратиш тўлиқ амалга ошириширилиши ҳам асосий вазифадир .

Талабалар қабули кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар)нинг мавжуд таълим йўналишлари ёки мутахассисликларга бўлган талаблари (буюртмалари)ни ҳисобга олган ҳолда давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича жорий ва истиқболли «буюртмалар портфели»ни шакллантириш борасида ишлар амалга оширилган.

Иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан кадрлар тайёрлаш, уларни ишга жойлаштириш, ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари (полигонлари, амалиёт базалари) ташкил этиш бўйича асоснома ва таклифлар тайёрлаш ҳамда моддий-техник ҳамкорликка оид шартномалар тўзиш, шунингдек улар билан қайта алоқаларни ўрнатиш борасидаги ишлар йўлга қўйилиши керак. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш ва битирувчиларни ишга тақсимлаш борасида институтнинг тегишли бўлинмалари (кафедралар ва факультетлар) билан ҳамкорлик қилиш, улар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда иштирок этиш, умумий маркетинг сиёсатини амалга оширишда барча тегишли бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида ижобий ишлар стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Институтда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тизим шаклланган ва унинг фаолияти такомиллаштириш бу олий таълим тизимини асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур тизим ўз ичига тақсимот комиссияси фаолиятини, факультетларда ва кафедларда битирувчилар билан ишлашни, иш берувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мустаҳкамлашда барча раҳбар ходимларнинг жалб этилишини, битирувчи талабалар ва иш берувчи корхоналар вакиллари учраштириш тадбирларини, иш жойлари ва битирувчилар маълумотлар базасини тузиш ва кенгайтиришни қамраб олган. Хар бир институт илмий кенгашининг қарори билан мутахассислик кафедларининг мудирлари тегшили таълим йўналишлари бўйича битирувчиларни касбга йўналтириш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш учун масъул қилиб тайинланганади. Бунинг натижасида аксарият ҳолларда битирув олди амалиётни потенциал иш берувчи корхонларда ўташга эришиш мумкин. Давлат гранти асосида ўқишни тугатаётган талаба, институт ва потенциал иш берувчи корхона ўртасида иш билан таъминлаш ҳақида уч томонлама шартномалар сифатли булиши керак. Факультет деканлари томонидан талабаларнинг яшаш жойларига яқин бўлган ташкилот ва корхоналар билан мутахассислар етказиб бериш бўйича ишлар олиб бориш таълим сифатига таъсир этилиши лозим.

Ҳозирги шароитларда мамлакатимиз иқтисодиётини давр талабларига кўра модернизация қилишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифасини амалга оширувчи олий таълим муассасалари битирувчиларининг сифатини ошириш саналади. Айти кунларда мана шу масалани ижобий ҳал этиш йўли билан мамлакатимизнинг олий таълим муассасалари халқаро олий таълим тизимида ўз ўрнини топишга изчил ҳаракат қилиб бормоқда. Таълим индекси (маълумотлилик даражаси, ёшларнинг барча таълим даражалари билан қамраб олиниши даражаси)нинг мамлакат ЯИМ ўсиши ва турмуш шароитларининг яхшиланиши билан бирга ўсиб бориши шахс салоҳиятининг ортиб боришини ҳам кафолатлайди. Бу эса олий таълим муассасалари битирувчиларининг сифатини ривожлантириш мисолида яққол кўринади.

Олий таълим тизимида юқори миқдорий кўрсаткичларга эришиш билан бирга инновацион иқтисодиёт шароитларида иш берувчилар томонидан ОТМ лар битирувчиларига билдирилаётган талаблар орқали намоён бўлувчи сифат ўзгаришларининг ижобий хусусиятга эга бўлиши ҳам жуда муҳимдир. Шунини кайд этиб ўтиш керакки, сўнгги бир неча ўн йилликларда олий таълим тизими учун биринчи ўринда миқдорий кўрсаткичларнинг ўсиши хосдир. Бозор ислохотларини амалга ошириш давомида олий таълим соҳасида таълим хизматларидан фойдаланишнинг бир неча баробар ортиши кузатилди. Бунинг устига ОТМ битирувчиларининг аксарият қисми ўзлари эгаллаган мутахассислик йўналишларида ишга жойлашишда кўплаб муаммоларга дуч келиб, бу бир томондан эгалланган мутахассисликнинг бозор шароитларига мослаштирилмаганлиги билан ҳам боғлиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасалари битирувчиларининг сифат кўрсаткичлари бугунги кунга келиб олий таълим хизматлари соҳасига у ёки бу даражада дахлдор бўлган ҳар бир субъект учун ўткир муаммога айланиб қолди.

Бугунги кунларга келиб олий таълим тизимида шундай тенденция юзага келдики, бунда бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврларида мавжуд бўладиган ноқулай иқтисодий ва ижтимоий омилларга (бюджет соҳасидаги паст иш ҳақи, илмий-тадқиқот ишларига давлат томонидан маблағларнинг кам ажратилиши, ўқув жараёнидаги моддий-техник базанинг эскирганлиги, юқори инфляция даражаси кабилар) боғлиқ ҳолда миқдорий кўрсаткичларнинг ошиб бориши билан бир қаторда олий таълим аҳамиятининг пасайиши (ОТМга ўқишга киришга интилишнинг сустлиги), олий таълим соҳасига ёш, серғайрат ходимлар кириб келишининг камайиши, умумий таълим даражасининг пасайиши кабилар ҳам рўй берди. Шу билан бирга мамлакатимизда олий таълим битирувчилари сифатининг

ривожлантирилишига қулай демографик вазият ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Мана шуларга боғлиқ ҳолда мамлакатимизда олий таълим соҳасини модернизациялаш, унинг моддий-техник асосини янгилаш, соҳага иқтидорли педагог-кадрларни жалб қилиш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш билан биргаликда олий таълим муассасаларида таълим олишга жалб этилаётган абитуриентлар контингенти сифатини ошириш ва талабаларнинг мақсадли контингентини кенгайтириш масалаларини ҳал қилиш муҳим бўлиб саналади.

Олий таълим муассасалари талабаларининг мақсадли контингентини кенгайтириш куйидагилар натижасида рўёбга чиқарилиши мумкин деб ҳисобланади:

- масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш;
- имконияти чекланган шахслар учун уларга таълим олишнинг қулай шарт-шароитларини яратиш;
- хорижий фуқароларнинг таълим олишлари учун мослаштирилган ўқув дастурларини кенгайтириш;
- модернизациялаш шароитларида олий таълимни бошқариш тизими – фуқароларнинг турли хил қатламларини (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини тайёрлов курсларига, иккинчи мутахассисликни эгаллаш истагидаги фуқароларни таълим жараёнига жалб қилиш кабилар);
- таълим муассасасининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш (узокдан келганлар учун ётоқхоналар куриш ва уларни жиҳозлаш, спорт билан шуғулланиш, дам олиш ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун объектларни барпо этиш);
- академик лицейлар ва КХК лар ўқувчиларини турли хил танловлар, илмий-тадқиқотчилик ишлари ,олимпиадалар жалб этиш, иқтидорли ёшлар учун мактаб-интернатлар очиш, мактабларда профилли синфларни ташкил этиш, ОТМ нинг етакчи педагог-ўқитувчилари томонидан дарс машғулотларини ташкил этиш;
- ОТМ жойлашган минтақа учун устивор бўлган йўналишларда мутахассисларни тайёрлашнинг келишилган ҳолда олиб борилиши;
- қисқа муддатли курсларни ривожлантириш (талабалар, ўқувчилар учун ёзги курслар, юқори ёшдагилар учун малака ошириш ёки янги касбни эгаллаш бўйича қисқача курсларни ташкил этиш).

2-АМАЛИЙ ИШНИ БАЖАРИШ

Материаллар: 1 ва 2 -тарқатма материаллар

Иш тартиби: индивидуал, жуфтликда, кичик гуруҳларда, ялпи муҳокама.

Ишдан мақсад: тингловчиларга инновацион таълим менежментда тизимли ёндашув ва таълим жараёни мониторингни ташкил этиш аҳамиятини очиб бериш. Инновацион таълим тизимида мониторинг жараёнини ташкил этиш. Инновацион таълим тизимида тизимли менежмент ёндошуви.

Тингловчиларни Республика миқёсида Олий таълим муассасаларида инновацион таълим менежментда тизимли ёндашув ва таълим жараёни мониторингни ташкил этиш аҳамиятини очиб берилади ва инновацион таълим тизимида тизимли менежмент ёндошуви аҳамиятини гуруҳларда келишиб ишлаган ҳолда аниқлаш ҳамда муҳокама қилиш.

Курс тингловчилари 2-тарқатма материал берилади.


Сўнгра тингловчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб 1 тарқатма материалдаги саволларга ўз жавобларини муҳокама қилган ҳолда тўғри жавоблар билан солиштириштирилади. Натижада, тренер билан биргаликда савол-жавоблар ўтказадилар.

Тингловчиларга бериладиган тарқатма материаллар

2.1.-чи тарқатма материал:

Таълим жарани мониторинги - бу мунтазам равишда бу жараёни кузатиш, мунтазам равишда бу жараёни кузатиш, таҳлил қилиш ,баҳолаш, истиқболни белгилаш ва натижавий кўрсаткичлар динамикасини баҳолашдир. Таълим сифати мониторингини амалга ошириш учун ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш керак. Мантқиқий кетма-кетликдаги мониторинг тизими мақсадли равишда таълим муассасасининг ўқув ишлари, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот, иқтисодиёт ва тадбиркорлик буйича фаолиятнинг мазмунан миқдорий даражасини назорат этади, истиқболни белгилайди.

Таълим сифати мониторинги-маҳсус ташкил этилган мақсадли назорат ва истиқболни белгилашдир. Мавжуд ахборотларни тизимга солиш, маҳсус тадқиқотлар ўтқазил ва миқдорини ўлчаш мониторинг усулларига киради. Таълим жараёни сифатини бошқаришнинг самарали тизимини ташкил этиш уч вазифани бажаришни талаб этади. Буни 1-схемада кўришимиз мумкин.



Асосий вазифалар куйидаги кўрсаткичлардан иборат:

-Меъёрий хужжатларнинг бажарилиш сифатини мунтазам таҳлил(давлат қарорлари, юқори раҳбарият фармойишлари, илмий кенгаш қарорлари);


-таълим жараёнининг ташкил этилиши режалаштирилиши, амалга оширилиши, дарсларни ўқув услубий материаллар билан таъминланганлиги;

-ўқитиш технологиялар сифатини таҳлил этиш, замонавий технологияларнинг қўлланилиши, ўқув-методик материаллар, профессор-ўқитувчилар томонидан илғор ўқитиш технологияларини тарқатиш;

-таълим жараёнини кадрлар билан таъминланганлигининг таҳлили, илмий тадқиқот, илмий-услубий ишлар, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти таҳлили;

-кадрларни жойлаштиришни сифатини таҳлил этиш, ўзлаштириш даражаси(жорий, оралик, якуний рейтинг баллари) таҳлили.

Ўқув жараёнини замонавий ташкил этиш, унинг сифатини таъминлашда куйидагилар муҳимдир:



Таълим сифатининг ички назорати қуйидаги компонентлардан иборат:



Таълим жараёнини сифатини назорат қилиш учун турли даражадаги дастурлар тузилади. Дастур ўз ичига зарурий кўрсаткичларни, сифат индикаторларни, тегишли йўналишга мос равишда киритилади (ўқув ишлари, илмий тадқиқот ишлари, маънавий-маърифий ва бошқалар).

Ўқув жараёни назоратида сифат мониторинги бўлимининг фаолияти механизми:

- Ректорнинг комиссия таркиби, мониторинг ўтказиш тартиби, назорат шакли ва якуний хулосавий ҳужжатларнинг топшириш ҳақидаги фармойиши;
- Текширув графигини тузиш;
- ОТМ ички назорати натижалари бўйича хисобот ва ҳужжатларни топшириш.

2.2.-чи таркатма материал:


Инновацион таълим тизимида тизимли менежмент ёндошуви

ИСО 9000:2001тамойил ва талабларига кўра “кутилаётган натижага


эришишнинг самарали йўли бу фаолият ва ресурсларни жараён сифатида бошқаришдир”.

“Жараён” тушунчаси остида ҳар қандай фаолият ёки комплекс фаолият тушунилиб, “кириш” ресурсларининг (абитуриентлар) “чиқиш” ресурсларига (битирувчилар) айлантириш назарда тутилади.

Университетни тизимли бошқариш модели:



Ҳар қандай маҳсулотни ҳаётий даври бўлганидек, таълим хизмати маҳсулоти ИСО 9001:2001 ва ДТС талабларига мос равишда қуйидаги таълим жараёнларни ўзига қамраб олади:



Ҳозирги сифат менежменти тизимида Total Quality Management (TQM) тўлиқ сифат ётиб, у қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Истеъмолчиларга йўналтирилганлик, жорий ва истиқболдаги эҳтиёж ва талабларга мослаштириш, бозор шароитидаги тез ўзгарувчан шароитларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш.


- Раҳбарнинг лидерлик хусусияти муассаса фаолияти ва мақсадига йўналтирилган ва унинг натижавий кўрсаткичлари самарасига ижобий таъсир этиш керак.

- Барча даражадаги ходимларнинг, уларнинг қобилияти иқтидорига қараб ўз фаолиятига тўлиқ жалб этиш, уларнинг ўз ўзини намоён этишга шарт-шароитлар яратиб бериш.

- Мавжуд ресурсларни самарали бошқариш ва фаолият жараёнига тизимли ёндошиш.

- Менежментга тизимли ёндошиш.
- Мунтазам равишда ОТМ фаолиятини такомиллаштириш.
- Фактлар, таҳлиллар асосида қарор қабул қилиш.
- Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш.

Шундай қилиб сифат менежменти тизими халқаро олий таълим тизимида ягона стандартлар билан ишлаш, кадрларни мобиллигини таъминлаш, улар дипломларини конвертирланишини таъминлашга чуқур асос бўлади.



ОТМ ички мониторинги назорат жараёни факультетлар, кафедралар факультетнинг тўрта йўналиши бўйича текшириув олиб боради. Бу жараён куйидаги босқичлардан иборат:

- комиссия таркибини тузиш, раис ва назорат йўналиши бўйича масъуллар;

- комиссия таркиби, текшириув режаси, графикни ректор томонидан тасдиқлаш;

- текшириув режасига кўра комиссиянинг тегишли йўналишлар бўйича наоратини таҳлил этиш;

- текшириув натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

- бўлиим раҳбарининг текшириув натижалари билан таништиришг;

- университет, институт, факультет илмий кенгашларида комиссия раисларининг ахбороти;

-текширв натижаларида аниқланган камчиликлар бўйича ўтказиладиган характерли чоралари бўйича қарор қабул қилиш.

Университет, институт даражасида факультет ва кафедраларнинг ўқув жараёни сифати, ташкил этилганлиги қуйидаги кўрсаткич ва индикаторлар билан назорат қилинади:

- меъёрий хужжатларнинг ҳолати
- ишчи-ўқув режаларининг ҳолати;
- фан бўйича ишчи дастурларнинг сифати;
- профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, савияси, билим даражаси (талабалар сўровномаси асосида текширилади);
- битирувчилар билан ташкилий ишларнинг бажарилиши;
- касбга йўналтириш ишларининг олиб борилиши;
- ўқува фаолиятини ташкил этилганлиги;
- профессор-ўқитувчиларнинг малакавий даражаси;
- ўқув-услубий таъминланганлик;
- аттестацияни ташкил этиш;
- жорий ва якуний назоратни ташкил этиш;
- оралиқ аттестациясини ташкил этиш;
- талабалар амалиётини ташкил этиш;
- таълим жараёнининг моддий-техник таъминоти;
- таълим жараёнини ахборот компьютер технологиялар билан таъминланганлиги;
- таълим сифатини бошқариш;
- кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш;
- машғулотлар сифатини назорат қилиш.

Барча кўрсаткичларни баҳолаш тизимини ёндошилган таҳлил, унинг ташҳизининг функцияси, хато ва камчиликларни бартараф этш бўйича чоратадбирларни барча бошқариш поғоналарида (ректор, проректор, декан, кафедра мудирларини) ўтказилиши таълим сифатини бошқаришда Халқаро Сифат Менежменти стандартларига яқинлашишга олиб келади.

V. ГЛОССАРИЙ

V. ГЛОССАРИЙ

Дарслик — муайян ўқув фанининг мавзулари тизимли, чуқур ва тўлиқ ёритилган, тегишли фан мазмунини белгиланган ҳажмда мукамал ўзлаштиришга қаратилган, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) мослаштирилган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига, ижодий қобилиятлар ривожланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган асосий ўқув нашридир;

Ўқув қўлланма — дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, фан асосларининг мукамал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) мослаштирилган, назарий ёки амалий машқ ва машғулотларга мўлжалланган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган ўқув нашридир;

Услубий қўлланма — профессор-ўқитувчилар ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, кўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр;

Услубий кўрсатма — муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни, шунингдек битирувчиларнинг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича билим олувчиларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр;

Услубий тавсиянома — муайян фаннинг ўқув дастури бўйича мавзуларнинг асосий мазмунини ёки айрим мураккаб мавзулар ва масалаларни ўзлаштириш, назарий ва амалий вазифалар, топшириқларни бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш ва педагогик тавсия беришга қаратилган ёрдамчи ўқув адабиёти ҳисобланадиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр;

Маълумотлар тўплами (банки) — фойдаланишга қулай шаклда

яратилган, муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, техника, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа илмий, амалий, маълумотлардан ташкил топган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр;

Маърузалар курси — фаннинг ўқув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр;

Маърузалар тўплами — муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, илмий-тадқиқот изланишлари асосида мунтазам янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр;

Машқлар (масалалар) тўплами — муайян фаннинг мавзулари бўйича амалий машқлар, масалалар, шунингдек таърифлаш, ифодалаш, шакллантириш, ҳисоблаш, ишлаб чиқиш бўйича мисоллар келтирилган, мавзуларга оид меъёрий, услубий, сонли ва таянч маълумотлар билан тўлдирилган, ўқувчи ва талабаларда амалий қўникмаларни шакллантиришга қаратилган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Луғат — аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этилган нашр;

Дайджест — илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, конунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган нашр.

Модуллилик тамойили — ўқув материални ҳажми бўйича кичик, аммо таркиби бўйича бир бутун бўлган модуллардан (бўлимлардан) иборат бўлган бўлақларга бўлиб чиқилганлиги;

Тўлиқлик тамойили — ҳар бир яратилаётган бўлим (модуль) уни ташкил этувчи назарий ва амалий қисмлар, назарий билимларни текшириш бўйича тузилган назорат саволлари (тестлар), мустақил ечиш учун топшириқ ва амалий кўникмаларни ўрганишга йўналтирилган машқлар, тажрибалар ва тегишли шарҳлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқлиги;

Кўргазмалилик тамойили — ҳар бир бўлимда (модулда) янги тушунчалар, фикрлар ҳамда услубларни тушунарли ва эслаб қолишни енгиллаштирувчи матнлар ҳажми ўлчамлари кичик бўлган кадрларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши;

Тармоқланиш тамойили — ҳар бир бўлимлардан (модуллардан) гиперматнли ҳаволалар орқали бошқа бўлимлар билан боғланиш имкониятлари мавжудлиги, ўрганилаётган фан материаллари чекланмаган ҳолда босқичма-босқич ўзлаштириб бориш имкони бўлиши.

Бошқарувчанлик тамойили — таълим оловчилар экранда тасвирланадиган кадрларнинг алмашувини ўзлари мустақил бошқара олишлари, исталган мавзу ёки маълумотларни, тушунчалар, фикрлар, иллюстрация материаллари ва мультимедияларни экранга чиқариш имконига эга бўлиши, ўқувчи ва таълим оловчиларга билим ва кўникмаларни назорат саволлари, тестлар ва амалий машғулотлар орқали текшириш имконияти мавжудлиги;

Кўникувчанлик тамойили — электрон дарслик ўқув жараёнида аниқ фойдаланувчи эҳтиёжларига кўникиб боришини таъминлаши, ўрганилаётган материалнинг чуқурлиги ва мураккаблигини ҳамда таълим оловчининг келгуси таълим босқичига боғлиқ ҳолда амалий йўналтирилганлигини ўзгартириб боришга имконият яратиши, фойдаланувчилар ўз эҳтиёжларига кўра кўшимча иллюстрация материалларини юзага келтира олишлари, ўрганилаётган тушунчаларни чизма ва геометрик жиҳатдан талқин қила олишларига хизмат қилиши;

Компьютерли қўллаб қувватлаш тамойили — таълим оловчилар ўрганиш жараёнининг исталган пайтида ўқув материалининг моҳиятига ўзига диққатни жалб этишга ундовчи топшириқ ва масалаларни қараб чиқиш ҳамда уларни бажаришда компьютердан фойдаланишлари учун шароит мавжудлиги. Электрон ўқув адабиётини компьютерда ўрганишда мураккаб алмаштириш амалларини, турли хил ҳисоблашларни ва графикларни тузиб чиқиш, расм ва схемаларни чизиш, мураккаб даражадаги турли амалларни

бажариш имкониятлари мавжудлиги;

Йиғилувчанлик тамойили — электрон дарсликни янги бўлимлар ва мавзулар, фан ва техника янгиликлари билан кенгайтириб ва тўлдириб боришга имкон бериши ҳамда махсус ва алоҳида фанлар бўйича электрон кутубхоналарни ёки таълим олувчилар, (у ўқиётган мутахассислик ва курсга мос ҳолда) ўқитувчилар ёки тадқиқотчиларнинг хусусий электрон кутубхоналарини шакллантиришига имкон яратиши.

Мослашувчанлик талаби — электрон дарслик таълим олувчининг хусусий имкониятларига, яъни ўқитиш жараёнида таълим олувчининг билими, кўникмалари ва психологик хусусиятларига мослаштирилган бўлиши;

Ўқитишнинг интерфаоллик талаби — электрон дарслик ўқитиш жараёнида таълим олувчи билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаши, интерфаол мулоқот ва қайтарма алоқани таъминлаши;

Визуаллаштириш талаби — электрон дарслик ўқув ахборотини тақдим қилишида компьютер визуаллаштириш имкониятларини жорий қилиш зарурлиги;

Таълим олувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш талаби — фикрлаш, мураккаб вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила олиш маҳорати, ахборотга ишлов бериш бўйича кўникмаларни шакллантиришга имкон бериши;

Тизимлилик талаби — электрон дарслик ўқув материални намоиш қилишнинг тизимлилик ва функционал боғлиқлигини, тўлиқлиги ва узлуксизлигини таъминлаши.



VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

VI. АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 25 июлдаги «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 283-сон қарор қабул қилинди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1989-сон Қарори.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар — биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. –80-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сон фармони;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармони;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон фармони;
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали

илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаш тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сон қарори;

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сон қарори;

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сон қарори;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 246-сон қарори

Интернет сайтлар.

11. <http://www.ziyonet.uz>
12. <http://uz.denemetr.com/download/docs-229149/768-229149.doc>
13. <http://www.nasa.gov/statistics/>
14. <http://www.security.uz>
15. <http://www.cert.uz>
16. <http://www.uzinfocom.uz>
17. <http://idum.uz/archives/9376>
18. <http://gtmarket.ru/ratings/e-government-survey/info>
19. <http://egovernment.uz/uz>
20. <http://www.tadviser.ru/index.php>